Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 163 (8403). ● 29 август, 1984 йил ● ЧОРШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

КЕЛГУСИ БЕШ ЙИЛЛИК ҲИСОБИГА

● ЮБИЛЕЙ йилини зарбдорона якунлашга ҳаракат қилаётган «Победа» колхози деҳқонлари самарали меҳнат эвазига турли соҳаларда қувончли меҳнат ютуқларини қўлга киритмоқдалар. Кунинкеча колхозда яна бир муваффақиятга эришилди. Хўжалик сабзавоткорлари Бекобод районида биринчи бўлиб ўн биринчи беш йиллик планини ортиғи билан бажаришга эришдилар. Ўтган давр мобайнида эл дастурхонига пландагиқ 212 тонна ўрнига 500 тонна сифатли, сара маҳсулот етказиб берилди. Жумладан, юбилей йили марраси ҳам анча зиёдаси билан ўринлатилди. Шу кунга қадар давлатга 110 тоннадан ортиқ сабзавот топширилди. Колхоз картошкакорлари эса 10 тонна ўрнига 80 тонна маҳсулот етказиб бериш шарафига муяссар бўлдилар.

Хўжаликда келгуси беш йиллик ҳисобига сабзавот маҳсулотлари топшириш қизғин бормоқда.

А. ҲАИДАРОВ.

● ИВАНО-ФРАНКОВСК

Коломийск районидаги «Горний» колхози фермаларни кенгайтирмаган ҳолда давлатга мол гўшти сотишни икки баравар кўпайтирди. Шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг имкониятларидан фойдаланиш натижасида шундай бўлди. Колхозлар билан тузилган шартномаларга мувофиқ ёрдамчи хўжаликларда новвослар сўқимга боқилмоқда. Бундай кооперация икки ёқлама катта наф келтирмоқда. Йил бошидан бери қишлоқ хонадонларидан қабул пунктларига 13 минг тоннадан кўп гўшт келди.

(ТАСС).

ОБЛАСТИМИЗНИНГ

БИР КУНИ

САНОАТ:

15 ТОННА МЕТАЛЛ ТЕЖАЛДИ

● 11-«ВИСОТСТРОЙ» трести бунёдкорлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига нишонланадиган бу қутлуғ йилда катта ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишни кўзлаб фидокорона ишламоқдалар.

Йилнинг ўтган ойлари давомида трест инженер-техник ходимлари ва бир группа ишлаб чиқариш илғорлари томонидан кўплаб рационализаторлик таклифлари ишлаб чиқилиб, амалда кенг қўллана бошланди. Шу туфайли қурилиш объектларида ҳар йили 100 минг сўмликдан зиёд иқтисодий самара олиш имконияти вужудга келди. Куни кеча трест бош инженери О. Алихўжаев бошчилигидаги бир группа малакали кадрлар томонидан қурилиш ишларини амалга ошириш жараёнида металлардан оқилона фойдаланишга қаратилган яна бир янги ихтиро қўлланишга татбиқ этилди. Натижада трест бинокорлари йил давомида 40 минг сўмлик иқтисодий самара олиш билан биргаликда 15 тоннадан зиёд металл тежаб қолишга эришадилар.

М. АЛИҚУЛОВА.

●

ЁШЛАР ҲИССАСИ

● ТОШКЕНТ ошхона мебеллари ва бошқа мебель маҳсулотлари заводи ишчилари эришаётган ютуқларга машинада қайта ишлов бериш цехининг Ҳикматилла Йўлдошев бошчилиқ қилаётган комсомол-ёшлар бригадаси коллективи ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда. 35 нафардан зиёд ишлаб чиқариш жонкуярларини ўзига бирлаштирган бу бригада йил бошидан буён белгиланган топшириқларни ортиғи билан адо этиб, ўзаро меҳнат беллашувида пешқадамлик қилмоқда.

Бригада пудрати асосида меҳнатни ташкил этилганлиги унумдорликни ҳар томонлама ошириш ва сифатли маҳсулотлар тайёрлаш имконини беряпти.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.

●

ПАХТАЧИЛИК:

ҚИЗҒИН ҲОЗИРЛИК

● ҒАЛАБА районидаги Ҳамза номли колхоз деҳқонлари ўтган йили пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини бажара олмаган эдилар. Юбилей йилида ана шу доғни ювиш учун мавжуд ишчи кучи ва резервлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Хўжаликнинг барча бригадаларида ғўза парвариши зўр ташкилотчилик билан олиб бориляпти. Бу борада, айниқса, Шарифбой Тулепов бошлиқ бригада пахтакорларининг ишлари диққатга сазовор бўлмоқда.

— Мақсадимиз 82 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил кўтариш,— дейди бригада етакчиси Ш. Тулепов.— Ишимиз ҳам шунга яраша бўляпти. Ҳар тун ғўзада ўртача 12—14 тадан тўқ кўсак санаш мумкин.

О. СУПИХОНОВ.

●

САБЗАВОТЧИЛИК:

КУНДАН-КУНГА КЎПАЙМОҚДА

● — ХОЗИРГИ кунларнинг ҳар бир соати ғанимат,— дейди Оржоникидзе районидаги «Правда» колхозининг 7-бригадаси бошлиғи Ниёзбой Ираев,— кунданкунга маҳсулотни кўпайтира бориш бизнинг бевосита вазифамиздир...

Худди шундай. Далада етиштирилган мўл-кўл сабзавот маҳсулотларини тезроқ, нес-нобуд қилмай териб олишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган бригада аъзолари шу кунгача давлатга 320 тонна помидор, 80 тонна бодринг, 257 тонна карам, 100 тонна пиёз топширдилар. Р. Бадалова, Д. Фозилова, В. Холдоралиева, Ф. Жўраев, Т. Абдураимов сингари колхозчилар ўзгаларга намуна бўлмоқдалар.

Маҳсулотни тезроқ йиғиб олишда хўжалик аҳлига ТошМИ, Тошкент Маданият институти талабалари яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар.

У. РАҲИМОВ.

●

КАРТОШКАЧИЛИК:

УЧ МАРТА ОРТИҚ

● МАМЛАКАТ Озиқ-овқат программасини бажаришга муносиб ҳисса қўшиш учун курашаётган Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози деҳқонлари картошкадан юқори ҳосил олдилар. Улар савдо тармоқларига пландаги 80 тонна ўрнига 241 тонна картошка етказиб бердилар. Давлатга картошка сотиш йиллик плани ўч ҳисса ошириб бажарилди.

Райондаги Н. Ниёзов номли колхоз аъзолари ҳам зафар қучишди. Улар эл дастурхонига 101 тонна картошка ортиқ қилиб, йиллик планни зиёдаси билан бажардилар.

Х. МИРЗАЕВ.

●

ЕМ-ХАШАК:

ЯШИЛ КАРВОНЛАР

● ШУ КУНЛАРДА Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозининг силос бостирилаётган хандақлари томон йўл олаётган яшил карвонларнинг кети узилмаяпти. Хўжалиннинг Абдураззоқ Қурмашев бошлиқ маккажўхоричилик бригадаси комсомол-ёшлари «дала маликаси»дан, айниқса, юқори ҳосил етиштирдилар. Улар ҳар гектар ердан 1000 центнерга етказиб кўк масса ўриб-йиғиб олмоқдалар. Маккажўхори кўк поясини ўришда комбайнчи Н. Кузнецов жонбозлиқ кўрсатмоқда. Транспорт тракторлари механизаторлари Т. Пардабоев, М. Мансуров, Э. Эргашевлар яшил массани пешма-пеш силос бостирилаётган жойга етказиб бераётирлар.

М. ЮСУПОВ.

МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ— ШОНЛИ ЮБИЛЕЙГА

МАЖБУРИЯТ ҲИССИ

● КУЗГИ катта хирмон тақдири ҳозирги кунлардаги пахтакорларимизнинг тадбиркорлик билан иш юритишига боғлиқ. Чиноз районидаги Карл Маркс номли колхознинг Турсунмурод Бобоёров етакчилигидаги бригадаси деҳқонлари экинларга комплекс ишлов беришни агротехника талаблари асосида олиб бормоқдалар.

— Зиммамиздаги мажбурият ҳисси ҳар биримизни зийраклиқ билан иш юритишга ундайди,— дейди бригада бошлиғи Т. Бобоёров. — Биз бу йил республикамиз юбилейи шарафига 116 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил кўтаришга аҳд қилганмиз.

Суратларда: кекса сувчи (чапда) Тешабой Чинозбоев. (Ўнгда) Бригада раҳбари Т. Бобоёров колхоз бош агрономи А. Мамедов билан ғўза дефолиациясини ўз вақтида ўтказиш ҳақида суҳбатлашмоқда.

В. Портнов фотолари.

● ЛИПЕЦК. Ю. В. Андропов номидаги Ленин орденли Новолипецк металлургия комбинати маҳсулоти Ўзаро Иқтисодий Ёрдам кенгашига аъзо бўлган мамлакатларга муттасил етказиб берилади. Суратда: комбинатнинг экспортга аталган маҳсулоти.

В. Кожевников фотоси. ТАСС фотохроникаси.

● ЧЕБОКСАРИ

Чувашиянинг Челкаси қишлоғида — Урмар районидаги «Россия» совхозининг марказий кўчасидан ўтган янги кўча Учительская кўчаси деб аталди. Бу ерда янги кўркам мактаб биноси ёнида педагогларга аталган бир қанча бежирим уйлар қад кўтарди. Ҳозир автоном республикада ўқитувчилар учун уй-жой қуриш перспектив плани тузиб чиқилмоқда. 1990 йилгача колхоз ва совхозларнинг ёрдами билан камида 200 та шинам квартира қуриш мўлжалланади. Шундай қилиб ҳар бир педагог замонавий қулай уй-жой билан таъминланади.

(ТАСС).

● КАРЕЛИЯ. Кижи оролига келган кўпсонли туристлар халқ амалий санъатини кўриб мафтун бўлишади. Бу ерда тўқувчилар, дурадгорлар, косиблар ва бошқа касб усталари очиқ майдонда ўз кўлларн билан яратган турли буюмларни намойиш этишади. Суратда: туристлар тўқувчиларнинг кўргазмалари билан танишмоқдалар.

С. Майстерман фотоси. ТАСС фотохроникаси.

● ВИЛЬНЮС

Литвада давлатга ғалла келтираётган колхоз ва совхозларнинг автомашиналари мавсумда бекор қатнаётгани йўқ. Улар қайтаётиб, дарров ғалла эвазига берилган омихта емни фермаларга ташимоқда. Бу эса автотранспортдан фойдаланиш самарадорлигини анча оширмоқда, сушилка ва дон омборларининг тиқилиб кетишига йўл қўймаяпти ва чорва учун ғоят сифатли ем запасларини барвақт вужудга келтиряпти. Ҳар куни мингтадан кўп автомашина бўш қайтмаяпти.

(ТАСС).

ГРАФИК—ҚОНУН!

ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАРДА

Чирчиқ дарёси яқинидаги Тошкент мотор заводи қурилишининг кўламини кўриб ҳайратда қоласан киши. Бу гигант иншоот келгусида областимиз экономикасининг юксалишида муносиб ўрин тутиши табиий. Бугун эса у ерда бунёдкорлик ишлари жадал суръатлар билан давом этмоқда. «Главсредазирсовхозстрой»га қарашли «Промстрой» трестининг 90-қурилиш-монтаж бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи Анатолий Березенко ҳар куни объектга етиб келар экан, заводнинг эртанги кунини хаёлан шундай тасаввур қилади. Шу боисдан ҳам топшириқларни барвақт бажаришга, коллективни унумли ишлаб, объектни муддатидан илгари фойдаланишга топширишга даъват этади.

— Мотор заводи қурилиши меҳнат биографиямдаги биринчи йирик қурилишдир, — дейди бригадир Анатолий Березенко. — У муҳим давлат аҳамиятига молик объект. Шунинг учун ишга ўта масъулият билан ёндошиш талаб этилади. Шу боисдан ҳам бригадамиз аъзолари иложи борича унумлироқ, жадалроқ иш юритишга ҳаракат қилишмоқда.

...Эрта тонгданоқ вагонча тирбанд. Бригада смена давомида қилинадиган ишларни режалаяпти.

— Бугун устунлар ўрнатиладиган майдончаларидаги 5 та нуқта пойдеворларини бетонлаштиришимиз керак,— дейди бригада сардори. — Ана шундай қилсаккина «Ўзстальконструкция» трестидагилар учун иш фронти яратилади. Эрта тонгда қўшни трестнинг прораби келиб кетди. Ишларни тезлаштиришни илтимос қилди. Улар бироз графикдан ортда қолишаётганга ўхшайди.

— Шундай қилиш керак бўлгач, бажарамиз, — бетончи Раиф Галеев ҳамма учун жавоб бериб қўя қолди. — Йигитларимиз ваъдага вафо қилишга ўрганишган. Тўғримасми, йигитлар?

— Албатта, бажарамиз!— Бир неча киши Р. Галеевнинг сўзини маъқуллади.

Бригада объектга йўл олди. 44 киши бирдек маъмурий корпус қурилишига киришиб кетишди. Бригада «Промстрой» трестидаги энг йирик коллектив бўлишига қарамай бошлиқ ҳеч қийналмай уларнинг ҳар бирига топшириқ берди. Ўзи ҳам ишга киришиб кетди. ...Чунки, график қистаяпти. Ахир график қонун-ку!..

— Ҳар бир кишининг ўзига яраша характери бор. Шу нуқтаи назардан 44 кишига бошчилик қилиш осон бўлмаса керак? — деб сўраймиз бригада етакчисидан.

— Аввалига осон бўлмади. 16 йил аввал бригадага илк бор бошчилик қилганимда нимадан бошлашни биламасдим. Кейинчалик бир-биримизни тушуниб кетдик. Шу тариқа бир оила фарзандларидек яқин бўлиб бирбиримизни тушунадиган бўлиб қолдик. Лекин коллективда ҳамма нарса кўнгилдагидек, кўнгилсизликлар бўлмайди, демоқчи эмасман. Лекин бу ҳақда эслаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак...

Аксинча, буни яна бир марта эслаб ўтиш керак. Ана шундагина коллективнинг тарбиявий ишлари, унинг таъсир кучи ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Албатта, бригадирнинг илтимосини ҳисобга олиб, айбдорнинг исм-фамилиясини атамаслик мумкин.

...У қурилишга келиши билан оқ уддабурро эканини кўрсатиб гердайишга уялмади. «Бригадир, менга энг қийин ишни буюравер», деб турарди. Ҳақиқатан ҳам ўз хизмат вазифасини яхши бажарарди. Тез орада ажойиб монтажчи, «қўли гул уста» деб танилиб қолди.

Бригада меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг янги усули асосига ўтишга ҳозирлик кўра бошлади. Бригада методи кучга киргач, ҳар бир ишни қисқа муддат ичида аъло сифат билан бажарадиган «қўли гул уста» ишни чўзадиган одат чиқарди. Чунки ҳар бир ишчига алоҳида эмас, бутун коллективга ягона наряд тузиларди...

Бир-икки марта уни огоҳлантиришди. Фойдаси бўлмади. Шундан сўнг коллектив унинг хатти-ҳаракатларини бригада кенгаши мажлисида муҳокама қилишга қарор қилди. Вагончага тўпланишдилар. У эса ўз билганидан қайтмасди, йиғилишда ҳам айбини бўйнига олмай ҳаммаларнинг нафсониятига тегадиган гаплар қилди.

— Асабимизни бузиб нима қиламиз, — деди трест ўртоқлик судининг раиси, дурадгор Егор Амельченко. — Бу ер—боғча эмас. Айланиб, ўргулиб ҳам ўтирмаймиз. Ҳайдаш керак, вассалом. Гарчанд қўли гул бўлса ҳам қўнгли тоза эмас экан.

— Келинглар, яна бир ҳафта муддат берайлик. Ўзига келиб қолса бош устига. Акс ҳолда ушлаб ўтирмаймиз, — деди йиғилиш сўнгида бригада бошлиғи.

...Монтажчи ҳозир яна илғорлар сафига чиқиб олган. Дўстларнинг аччиқ гаплари кор қилмай қолмади. Бировларнинг соясида беркиниб уларнинг ҳақига шерик бўлаётганлигидан ўзи ҳам уялди.

Энди эса Березенко бригадаси мотор заводи қурилишида барчага намуна бўляпти. Улар кунлик топшириқни 130 процентгача етказиб бажаришяпти. Ҳозиргача коллектив объектдаги ошхона, магазин, кафе, душхоналари бўлган ишчиларнинг маиший корпуслари биноларини аъло сифат билан фойдаланишга топширдилар. Шунинг учун ҳам улар иккинчи квартал якунларига кўра трест социалистик мусобақасида голиб чиқдилар. Айни пайтда Березенко бригадаси 1-маъмурий бино устунлари учун пойдевор қўйишни ниҳоясига етказишяпти.

— Ҳадемай «Ўзстальконструкция» трести монтажчилари учун кенг ҳажмдаги иш фронти яратиб берамиз, — дейди бригада етакчиси. — Улар эса бир учун иш фронти очиб беришади. Шундан сўнг бригадамиз девор панелларини монтаж қилишга киришадилар. Шу тариқа ишимизда янги босқич бошланади. Барчамиз биринчи маъмурий-маиший корпусни Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига қадар қуриб битказишга ҳаракат қиламиз. Чунки, бу объектни ўзимизнинг юбилей совғамиз деб қабул қилганмиз.

Ю. ЛИСОВ,
«Главсредазирсовхозстрой»га қарашли «Оргтехстрой» институти матбуот хизмати мухбири.

КАСБГА САДОҚАТ

...Ўнинчи беш йилликнинг сўнги ойи — 1980 йилнинг декабри тугаб бораётган эди. Машинасозлар маданият саройида коммунистик меҳнат зарбдорларининг слёти ўтказилиши кутиларди. Ўша куни слётда бундан беш йил муқаддам зиммасига ошириллган социалистик мажбурият олган, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Александр Гизатулин мажбурият шараф билан бажарилганлиги ҳақида рапорт берди. Доңгдор ишчи социалистик мажбуриятини ҳам ошириб бажариб, 12 йиллик норма адо этилганлигини маълум қиларди.

Бу ўзига хос қаҳрамонлик эди. Буни ҳеч ким инкор этмайди. Лекин у ҳақда қандай ҳикоя қилиш мумкин. Коммунистик меҳнат зарбдорига коллектив олдида ана шу қаҳрамонлик ҳақида гапириб берасиз, деганларида у ҳам елкасини қисиб ҳайрон бўлди. «Ахир буни қаҳрамонлик дейишга ҳам ҳайронсан, шунчаки ишладим, иштиёқ, ғайрат билан ишладим, холос» — Гизатулин ўзича шундай деб ҳайрон бўларди.

...У «Узбекхиммаш» заводига ишга кирганида эндигина ҳунар-техника билим юртини битирган эди. Заводда иккинчи механика цехига бориб токарлик қиласан, деб қўя қолишди. Шогирдликка тушиб 3—4 касб ўрганишга ҳам вақт бўлмади. Урушдан кейинги дастлабки йилларда ишчи кучи етишмасди. Шу боисдан ҳам тезроқ мустақил ишлаш талаб этиларди.

...Шундан бери 38 йил ўтди. 38 йилдан бери у бир корхонада, бир цехда, бир коллективда ишлаб келмоқда. Шу боисдан ҳам улар оила аъзоларидек яқин бўлиб кетишган. Заводда уни деярли ҳамма таниширинг боиси ҳам шунда. Шогирдларнинг ўзини исталган цехда топиш мумкин, десак муболаға бўлмайди. Гарчанд шогирдлар айни пайтда илғорлар билан қийналмай мустақил ишлаш талаб этиларди.

ИШЧИ ШАРАФИ

собақалаша оладиган даражада тажриба орттирган бўлсалар-да, Александр Петровичнинг олдига тез-тез келиб туришади. Ахир 38 йиллик тажриба — ҳазил гап эмас. Демак устоздан ҳали кўп нарса ўрганиш мумкин.

Александр Петрович кўплаб ишлаб чиқариладиган эҳтиёт қисмлардан кўра буюртма асосида якка тартибдаги деталларни тайёрлашни хуш кўради. Одатда бундай деталлар химия аппаратларининг муайян узеллари бўлади. Ҳамма гап шундаки, токарлар оддий маҳсулотларни механик тарзда тайёрлашга ўрганиб қолишган. «Номаълум» буюртмаларни тайёрлаш эса осон эмас. Қолаверса, бу маҳсулотлар йирик химия асбоб-ускуналарини қай даражада сифатли ва самарали ишлашини таъминлашини ҳисобга олсак, бу ўта масъулиятли вазифадир. Тажрибали токарь эса буюртмаларни бажариш билан кифояланмайди, балки нормани икки ҳисса ортиғи билан адо этади. Бундан ташқари уларни техник назорат бўлимига биринчи тақдим этишдаёқ топширишга эришади. Александр Петровичга тайёрланган маҳсулотларга ўз шахсий тамғасини босиш ҳуқуқи берилганлиги ҳам шу туфайлидир.

Янги яратилган аппаратлар учун бир неча эҳтиёт қисмлар тайёрлаш зарур бўлиб қолди. Технологлар ҳисоб-китобларни тайёрлашгач, бу деталлар фрезерлик дастгоҳида тайёрланиши мақсадга мувофиқ деб топилди. Бу ишга кетадиган вақт ҳам ҳисоблаб чиқилди: 20 кун. Александр Петрович эса ҳаделанда ишга киришмасди. 72 дона детали 20 кун ичида тайёрлаш... Гизатулин ўзича қандайдир ҳисоб-китобларни тайёрладида, ишга тушиб кетди. 72 дона детал... 3 кунда тайёрланди. Шуниси диққатга сазоворки, улар фрезерлик станогида тайёрланганда ҳам бунчалик юқори сифатли бўлиши қийин эди.

1984 йилнинг январидан бери Гизатулин А. Карнаухов бошчилигидаги комплекс бригадада ёшларга устозлик қилиб келаяпти. Ветеран ёшларга ҳар борада намуна: ишлаб чиқаришда ҳам, маҳсулот сифатини яхшилашда ҳам, жамоат ишида ҳам. Муҳими Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 60 йиллик юбилейи муносабати билан ўтказилаётган социалистик мусобақада у илғорлар сафида бормоқда.

О. ЛЕВАК.

ЯГОНА СИЁСИЙ КУНДАН СЎНГ

ТАКЛИФЛАР АМАЛГА ОШМОҚДА

Коммунистик партия комитети ягона сиёсий кунларни ўтказишда муайян тажриба тўплаган. Кейинги пайтларда партия комитетлари докладчиларининг меҳнат коллективлари билан бундай учрашувлари хўжалик ва маданий қурилишда олдинда турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш, ишдаги мавжуд камчиликларни аниқлаш ва уларни белгилаб олишнинг таъсирчан воситаларидан бирига айланмоқда.

— Бизда ҳар бир ягона сиёсий кунга олдиндан пухта тайёргарлик кўрилмоқда, — дейди район партия комитетининг секретари Н. А. Кузнецова.— Район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими меҳнат коллективларида суҳбат ўтказадиган докладчилар учун район экономикаси, маданияти, планлар ва олинган мажбуриятларнинг бажарилишига оид материалларни тайёрлаб беради. Айниқса, аввалги ягона сиёсий кунда меҳнаткашлардан тушган саволлар, таклифларни ўрганиш, улар юзасидан тегишли чоралар кўришга катта эътибор бермоқдамиз.

Ягона сиёсий кун ўтказадиган докладчилар суҳбат сўнггида тушган саволлар, меҳнаткашларнинг таклиф ва мулоҳазаларини ёзма равишда район партия комитетига топширадилар. Бу ерда ҳар бир савол, таклиф ва мулоҳаза чуқур ўрганилади. Агар ўртага қўйилган масалалар республика ёки область ташкилотларига таалуқли бўлса, бу ташкилотлар раҳбарларига расмий равишда етказилади. Улардан мазкур масала юзасидан қандай чоралар кўрилганлигини савол тушган коллективга етказиш сўралади.

Районнинг ўзида ҳал қилиш имконияти бўлган масалалар ҳам ўша тегишли ташкилотлар раҳбарларига маълум қилинади. Бу раҳбарлар навбатдаги сиёсий кун арафасида район партия комитетига таклиф этилади. Бу ерда ҳар бир мутасадди ташкилотнинг раҳбари меҳнаткашларнинг таклиф ва мулоҳазалари қандай амалга оширилаётганлиги ҳақида ҳисобот берадилар. Муайян коллективдан тушган саволлар ва таклифлар, уларни амалга ошириш юзасидан белгиланган тадбирлар шу коллективда суҳбат ўтказадиган докладчиларга берилди. Улар корхона ва хўжаликда, ташкилот ва муассасада ягона сиёсий кун мавзуси бўйича белгиланган суҳбатни бошдан аввал меҳнаткашларга уларнинг таклиф ва мулоҳазалари қандай амалга оширилаётганлигини гапириб берадилар.

Шуни мамнуният билан қайд қилиш керакки, кейинги ягона сиёсий кунлар давомида меҳнаткашлар халқ хўжалигининг турли соҳаларидаги ишни яхшилаш, тартиб ва интизомни мустаҳкамлашга қаратилган кўплаб таклиф ва мулоҳазалар билдиришди. Масалан, шу йил 27 июлда бўлиб ўтган ягона сиёсий кунда Свердлов номли колхоз аъзолари хўжаликда дала ишларини механизациялаш даражасини оширишга, минерал ўғитлар тақсимотини яхшилаш бўйича ўз фикрларини билдирган эдилар. Район ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари, РАПО советининг раиси Э. Налибоев 16 августда бўлиб ўтган ягона сиёсий кун пайтида колхозчиларнинг бу таклифлари ҳисобга олинганлиги, шу йил 20 августгача хўжаликка 3 та чопиқ трактори етказиб берилиши ҳамда қўшимча равишда ажратилган 80 тонна минерал ўғит бригадалар бўйича тақсимланганлигини гапириб берди.

У. Юсупов номли совхоз меҳнаткашлари экинларни суғориш учун ажратилаётган сув миқдорини кўпайтириш имконияти йўқми, деган саволни берган эдилар. Район суғориш тармоқлари бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Ш. Қалиқулов бу саволга чуқур асосланган жавоб берди. Ҳозирги пайтда хўжаликка белгиланганидан учдан бир ҳисса кўп сув ажратилаётган экан. Аммо, совхознинг ўзида сувдан оқилона фойдаланишга етарли эътибор берилмаётганлиги маълум бўлди. Чунончи, суғориш шаҳобчаларининг юқори қисмида, яъни «қулоқ бошида» жойлашган бригадалар белгиланганидан 2-3 ҳисса кўп сув олаётган экан. Экинзорлари канал ва ариқларнинг қуйи қисмида бўлган бригадаларга эса белгиланганидан кам сув ажратилаётганлиги аниқланди. Бу масала совхоз раҳбарларига етказилди ва сувни оқилона тақсимлаш юзасидан қўшимча тадбирлар белгиланди.

Меҳнаткашлар партия комитетлари докладчиларига савдо, медицина, маиший хизматни яхшилаш, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш юзасидан ҳам кўпгина саволлар бермоқдалар. Ана шу саволлар бўйича кўрилган тадбирлар натижасида матлубот жамиятлари кўчма дўконларни дала шийпонларида савдо қилишини йўлга қўйдилар. Янгибозордаги Заводская кўчасини газ билан таъминлаш яхшиланди. 5-ўрта мактабда пионер лагери очилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

16 августда бўлиб ўтган ягона сиёсий кун пайтида ҳам меҳнаткашлардан 100 дан ортиқ савол, таклиф ва мулоҳазалар тушди. Уларнинг кўпчилиги умумлаштирилиб чиқилди ҳамда тегишли чора-тадбирлар кўриш учун мутасадди ташкилотлар раҳбарларига маълум қилинди. Район партия комитети меҳнаткашлар таклиф ва мулоҳазаларида билдирилган масалалар қандай ҳал қилинаётганлигини қатъий назорат қилиб бормоқда. Бу масалалар юзасидан кўрилган чоралар навбатдаги сиёсий кун пайтида меҳнат коллективларига маълум қилинади.

Э. ЭРНАЗАРОВ.

ЎРИНЛИ МУЛОҲАЗАЛАР, ФОЙДАЛИ ИСТАКЛАР

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

Бўстонлиқ район цех партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтмоқда. Докладлар юзасидан музокарада иштироқ этаётган коммунистлар партия ташкилотлари фаолиятидаги ютуқ ва камчиликларни чуқур таҳлил қилмоқдалар, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, омма орасида олиб бораётган ташкилотчилик ва идеологик ишларни янада такомиллаштиришга ёрдам берувчи конкрет таклифларни ўртага ташламоқдалар, қиммати фикр ва мулоҳазалар билдирмоқдалар.

БУНДАН тўрт-беш йил аввал Чирчиқ ойна заводи коллективи район саноат корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақада байроқдордар сафида борарди. Кейинги йилларда корхонанинг шуҳрати аста-секин сўна бошлади. Бунга сабаб завод ишлаб чиқаришидаги жиддий камчиликлар, жумладан, эритув-қуюв ва тайёрлов цехларининг торлиги, печь ва механизмларнинг, баъзи блокларнинг талабга жавоб бермаслиги, табиий газ босимининг пасайиб кетиши бўлиб, бу қатор ноқулайликлар туғдирди.

Шу йилнинг ўтган даври мобайнида завод ишлаб чиқаришда бироз олға силжиш сезилди. Бу ҳам бўлса силикат парчалари ишлаб чиқариш бўйича. Асосий маҳсулот ҳисобланган ойна ишлаб чиқариш эса ҳамон қониқарсиз аҳволда. Завод йил бошидан бери планга нисбатан қарийб 100 минг сўмлиқдан ортиқ маҳсулотни кам ишлаб чиқарди.

Корхона асосий цехи партия ташкилотида тўққиз нафар КПСС аъзоси бор. Цех партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида ана шу коммунистлардан беш нафари сўзга чиқиб, юқоридаги камчиликларни тугатиш чора-тадбирлари ҳақида гапириб ўтдилар. Жумладан, коммунистлар заводда меҳнатни ташкил этиш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш соҳасида жиддий иш олиб бориш, кадрлар қўнимсизлигига барҳам бериш ҳамда таъминот бўлими фаолиятини талаблар даражасига кўтариш ҳақида қимматли маслаҳатлар бердилар. Ўн икки КПСС аъзоси меҳнат қилаётган машинаванна цехи коммунистларининг ҳисобот-сайлов йиғилишида ҳам худди ана шу таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Коммунистлар завод шуҳратини тиклаш учун корхона партия комитети коллектив орасида оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларни янада кучайтириш, ўзаро социалистик мусобақани авж олдириш, жамоат ташкилотлари фаолиятини жонлантириш дозимлигини айтиб ўтдилар.

«ҚОЗОҒИСТОН ССР 30 ИИЛЛИГИ» колхозининг 4-сабзавотчилик бригадаси сўнгги ўн кунликда мусобақа голиби бўлди. Бригада аъзолари шарафига колхоз Меҳнат шуҳрати байроғи кўтарилди. Пешқадам сабзавотчилар узоғи билан 10 сентябргача давлатга маҳсулот топшириш планларини ошириб бажариш учун курашмоқдалар.

Яқинда хўжаликнинг 4-, 5-, 6-, 7-бригадалари коммунистларини бирлаштирган цех партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Унда хўжалик раҳбарлари план кетидан қувиб, қишлоқ аҳлига маданий-маиший шарт-шароитларни яратиб бериш билан қизиқмай қўйганликлари танқид қилинди.

1—2-бригадалар цех партия ташкилоти ҳисобот-сайлов йиғилишида ташкилот секретари М. Турдиёрова ҳисоботи юзасидан сўзга чиққан С. Мирзатоева, М. Сулаймонов, Б. Маҳамадкаримов кабилар қишлоқ аҳолининг ичимлик сув билан таъминлашдаги мавжуд қийинчиликларни айтиб ўтишди. Жумладан, Сойлиқ қишлоғининг Нўҳатпоя, Тошкент йўли, Юқори кўча, Чинор, Хондойлиқ маҳаллаларининг аҳолиси ичимлик сув учун олис булоқларга бораётганлиги қайд қилинди.

Шунингдек, колхозда ҳозирги пайтда атиги биттагина типовой дала шийпони қурилганлиги, қолган 6 таси эса мавсумий шийпонлар эканлиги ҳам эслатиб ўтилди. Ҳар икки цех партия ташкилоти йиғилишида сўзга чиққан коммунистлар колланган топшириқлар кўп соҳаларда ошириб бажарилди. Жумладан, давлатга гўшт, сут топшириш планлари муддатидан илгари ўринланди. Боғдорчилик, узумчилик маҳсулотлари сотиш ишлари ҳам қизғин бораяпти. Меҳнат фронтида хўжаликнинг 136 нафар коммунисти жонбозлик кўрсатиб ишлаяпти. Ҳозирги пайтда барча жойларда бўлгани каби совхоз цех партия ташкилотларида ҳам ҳисобот-сайлов йиғилишлари зўр уюшқоқлик билан ўтмоқда. Яқинда бошқарма цех партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда ташкилотнинг йиллик фаолияти ҳақида В. С. Ким доклад қилди. Коммунистлар доклад юзасидан музокараларда сўзга чиқишиб, камчиликларни рўй-рост очиб ташладилар. Коммунист Н. А. Ариквинская бирдашма ишчилари истиқомат қиладиган турар-жой ремонти бир неча йилдан бери давом этаётганлигини таъкидлади.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида меҳнат шароитини яхшилашга қаратилган қатор таклиф ва мулоҳазалар ҳам билдирилди.

Йиғилишда цех партия ташкилотининг янги состави сайланди. Цех партия ташкилоти секретарлигига Т. В. Волгушева сайланди.

А. РАҲИМБЕРДИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

КОМСОМОЛ-ЁШЛАР ПЕШҚАДАМ

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси чеварлари аҳолига кўплаб сифатли маҳсулотлар етказиб беришда жонбозлик кўрсатишмоқда. Айниқса, корхонанинг Лаъли Турдиева бошчилик қилаётган комсомол-ёшлар бригадаси тикувчилари бу соҳада барчага намуна бўлмоқда. Бригада аъзолари маҳсулот ишлаб чиқаришда бор маҳоратларини намойиш этиб, ойлик планларини 150 процентдан ado этишяпти.

Суратда: (юқорида) пешқадам бригада бошлиғи Лаъли Турдиева ёш тикувчи-мотористка В. Имомова билан суҳбатлашмоқда; (пастда) корхонанинг лаборант-тикувчиси Зоҳро Мусаева янгилик моделда тикилган маҳсулотлар сифатини кўздан кечирмоқда.

Х. Шоднев фотолари.

ЎЗГАЛАРНИ ИЗЛАБ, ЎЗИНИ ТОПДИ

Мажид ака СССР Мудофаа министрлигининг Марказий архивидан қайтгач, Фарғона область Олтиариқ районига марҳум ота-бола жангчи Эҳсоновларни суриштириб хат ёзди. Улар номини архив материалларида кўрган эди. Жавоб ҳам тез кела қолди. Хатда айтилишича ота-бола Эҳсоновлар ҳақиқатан ҳам она-Ватан ҳимоясида қаҳрамонларча ҳалок бўлишган эди. Ҳамқишлоқлар улар жасоратини абадийлаштириш мақсадида ота-бола урушгача истиқомат қилган кўчага Эҳсоновлар номини қўйишибди. Марҳумларнинг бирига рафиқа, иккинчисига она бўлган Чиннибу момо ҳозир ҳаёт эканлиги мактубда билдирилган эди.

Мажид ака суюниб кетди. Майда-чуйда ишларини йиғиштириб тўғри Олтиариққа учди. У қишлоққа келиб табаррук онахонни кўп изламади. Чунки, Чиннибу момони бу ерда танимайдиган одамнинг ўзи йўқ экан. Дарров меҳмонни она хонадонига бошлашди.

Чиннибу момо умр йўлдоши ва фарзандлари билан фахрланарди, ҳаётидан мамнун бўлиб гапиради. Лекин қийинчиликлар ҳақида сўз очмас эди.

Мажид ака теварак атрофга разм солди. Она яшаб турган уй анчагина қаровсиз қолибди. Уйни ремонт қилишга ёрдам бериш керак экан. Эртасига у район марказига йўл олди. Лекин раҳбарларни учрата олмади. Пискентга қайтгач, кўрганларини қоғозга туширди-да, Олтиариқ район партия комитетининг биринчи секретари Усмон Бегматовга жўнатди.

Орадан 2—3 ой вақт ўтмай Мажид ака жавоб хати олди. «Пахтакор» совхози ҳисобидан Чиннибу момога атаб янги уй қурилиши бошланибди. Кейинроқ онанинг ўзидан хат келди.

«Болам менга қилган яхшилигингизни асло унутмайман. Сиз орқали янги уйли бўлиб олдик. Онангиз Чиннибу Эҳсонова» дейилган эди унда.

Хатни олиши билан тутинган ўғил яна йўлга отланди. Ў онахоннинг хурсандчилигини бирга баҳам кўрмоқчи бўлди.

Бундай хатлар Мажид Самадов хонадонига турли жойлардан келиб туради. Уларнинг яна бирига кўз ташлаймиз. «Сизга бу хатни ота деган сўзни айтишга зор бўлиб юрган инсон йўллаяпти, дейилганди унда. Сиз менинг отамни топиб бердингиз. Отамнинг Қизил Юлдуз ордени ва жанговар медаллар билан мукофотланганлигини хабар қилибсиз. Бу нишонлар отамиз Хўжан Қурбоновнинг жангларда кўрсатган жасоратидан далолат беради. Навбаҳор район «Гигант» совхозидаги Фурқат номли мактаб ўқитувчиси Шоди Хўжанов».

ҲЕЧ КИМ, ҲЕЧ НАРСА УНУТИЛМАЙДИ

«Биз акамиз Отақул Эшқулов ҳақида ҳеч қандай хабар олмаган эдик. Сиздан хат келгач, жуда ҳам қувониб кетдик. Акамиз она сутини, Ватан ишончини оқлаган экан. Биз у билан ҳамиша фахрланамиз. Очил, Розим, Қодир, Асал Эшқуловлар, Хатирчи райони».

«Биз шу вақтгача дадамизнинг қанчалик мардона жанг қилганлигини билмаган эдик. Буни сиз бизга маълум қилдингиз. Дадамиз билан фахрланамиз, Гулсанам Нурмуҳамедова, Самарқанд райони».

Отахон журналист Мажид Самадов СССР Мудофаа министрлигининг Москва область Подольск шаҳридаги марказий архивида 1978 йилдан бери тадқиқот ишларини олиб бораяпти. Унинг хизматлари билан 70 дан ортиқ орден ва медаль ўз эгасини топди. Кўплаб ўғлонларнинг жасоратидан отаоналар ва фарзандлар воқиф бўлди. 2,5 минг жангчи дафн этилган жойлар аниқланди.

У ўзгалар ҳақидаги ҳужжатлар билан танишар экан, беихтиёр ўзи ҳақида ёзилган сатрларга ҳам кўзи тушди. Мажид Самадовнинг Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган мардлиги 1394-фонднинг 1-рўйхатидаги 109-ишга жамланган эди. Мажид ака бу иш саҳифаларини секин-аста варақлаб чиқди.

«76 миллиметрли 10-замбарак командири, катта сержант, коммунист Самадов шахсан ўзи душман танкини яксон этди. Қаршн ҳужумга ўтиб, позициямизни эгалламоқчи бўлган фашистлар устига парчаланувчи снарядлар ёғдирди. Расчёт (етти кишидан иборат) жангчилари ҳалок бўлганларида ҳам у позициядан чекинмади, тенгсиз олишувда жасурлик ва маҳорат кўрсатди».

Собиқ расчёт командири шу сатрларни ўқиб беихтиёр ўша кунларни эслади. Воқеа 1944 йилнинг 7 августида бўлган эди. 159-ўқчи дивизиянинг 597-полки жангчилари Хелго-Слозновина яқинида жанг қиларди. Тенгсиз олишувларда Мажид аканинг қуролдош дўстлари қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар. Олдинги позицияда командирнинг бир ўзи қолди. Лекин у орқага чекинмади. Артём учун, Никола учун, оғаларим Абдужамил ва Абдужалил учун дея замбаракдан душман бошига снарядлар ёғдирарди. Кейин у яна 3—4 жангда қаҳрамонлик кўрсатди. Лекин уруш тугашига оз қолганда яраланиб, сафдан чиқди. Кўксидаги жанговар нишонлар ўша йиллардан унга хотира бўлиб қолган. Мана ҳозир архив материалларини синчиклаб кўздан кечираяпти-ю, жанговар йиллар бир-бир ёдга тушаяпти.

Мажид ака Самадов ҳозир Пискент район «Меҳнат байроғи» газетасининг редактори. Унинг кўпгина эсдаликлари ва фронт лавҳалари шу газета саҳифаларида эълон қилинган. Область, республика газеталарида ҳам кўпгина очерклар босилиб чиққан. Уларнинг ҳаммасини тўплаб энди «Жангтоҳ саҳифалари» деган ном билан алоҳида китоб шаклида чоп этаяпти. Бу китоб унинг Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейига муносиб совғаси бўлади.

Абдулазиз МАҲМУДОВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими.

БЕМИННАТ КЎМАКДОШ

ЎРТОҚЛИК судлари ишлаб чиқаришда, жамоатчилик орасида совет қонунчилигига хилоф иш тутган, шунингдек, жамоат тартибини менсимай, уни бузган кишилар аҳлоқини муҳокама қилади ва чора кўради. Ўртоқлик судларининг фаолияти активлашиши билан тартиббузарлар ва ичкиликбозларга қарши кураш ҳам анча кучайди.

Буни Чилонзор райони мисолида ҳам кўриш мумкин. Лекин, райондаги барча ўртоқлик судлари бугунги кун талаби даражасида фаолият кўрсатмоқдалар, деб бўлмайди. Масалан, 7, 8, 9-турар-жойлардан фойдаланиш идоралари қошидаги ўртоқлик судлари деярли ишламаяпти. 1-уй ҳузурида ташкил топган ўртоқлик судининг иш фаолияти ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Натижада ичкиликбозлик туфайли содир бўлаётган кўнгилсиз воқеалар эътибордан четда қолмоқда. Ўртоқлик судлари коммунистлар, турар-жойлардан фойдаланиш идоралари ва уларнинг партия ташкилотлари билан яқиндан алоқа боғлаб иш олиб борган тақдирдагина ижобий самараларга эришиши мумкин.

Е. МОРДУХАЕВ,
республикада хизмат кўрсатган юрист.

ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИ ШАХСАН НАМУНА

ДЕПУТАТ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

ЯНГИИЎЛ районидаги Ленин номли колхоз Ниёзбоши қишлоқ территориясига жойлашган. Қишлоқ Советига 140 халқ депутати бирлашган бўлиб, улар ҳар соҳада баракали меҳнат қилмоқдалар. Бу ҳақда қишлоқ Советининг раиси Т. Ниёзова қуйидагича ҳикоя қилади:

— ЎЗБЕКИСТОН Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ва область партия комитетининг IV пленумида Советлар фаолиятини янада яхшилаш биринчи даражали ўта муҳим вазифа эканлиги таъкидлаб ўтилди. Партия бизни ўз ҳуқуқ ва имкониятларимиздан янада тўлароқ фойдаланишга, доимий комиссиялар, депутатлик группалари фаолиятини активлаштиришга, коммунистик бунёдкорлик ишида халқ депутатлари ролини бутун чоралар билан оширишга даъват этмоқда. Биз бунга жавобан конкрет тадбирлар белгилаб, қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида меҳнат қилаётган депутатлар активлигини оширишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Территориямиздаги 2600 хонадонда 21 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Қишлоқдаги 140 депутатнинг 110 нафари колхозчилардир. Район Советининг депутати А. Абдутолипов етакчилигидаги бригада аъзолари ўтган йили пахтадан мўл ҳосил кўтардилар. Гектаридан 40 центнердан ошириб «оқ олтин» йиғиштириб олинди.

Қишлоқ Советининг депутати, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор Н. Зоирхўжаевнинг номини қишлоқдагина эмас, балки районда ҳам яхши билишади. Уста пахтакор бошлиқ бригада аъзолари республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 60 йиллик юбилейи йилида 50 центнерлик маррани кўзлаб меҳнат қилмоқдалар. Шунингдек, Ш. Долимов, Ж. Ортиқалиев, А. Аҳмедов, А. Йўлдошев, Х. Ўринбоев, Қ. Ўсаров каби депутатлар бошчилик қилаётган бригадаларда ҳам юбилей олди социалистик мусобақаси кенг қулоч ёйган.

Депутатлар орасида ўзининг тиришқоқлиги, уддабуронлиги билан эл-юрт ишончини оқлаётган хотин-қизлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Г. Болтабоева меҳнатда ҳамиша ўрнак. Ташаббускор, меҳнатсевар, чевар теримчи бу йилги мавсумда 14 тонна пахта теришга қатъий бел боғлаган. Ундан ўрнак олган А. Кенжаева, М. Абдурахмонова, Д. Нишонбоева, Ж. Илёсбоева, Т. Тожибоева, М. Мирзаахмедова каби депутатлар ҳам юқори кўрсаткичларга эришиб, юбилей шарафига ўз зиммаларига оширилган мажбурият қабул қилганлар.

Ҳалол меҳнатдан келаётган бойлик ҳисобига қишлоғимиз гўзал, хонадонларимиз обод бўлиб бораётир. Бунинг исботи учун биргина мисол келтираман: ўтган йили депутат Х. Ўринбоев ўз ойласи билан чигит экишдан бошлаб, ҳосил йиғиб-териб олингунча далани тарк этмади. Натижада йил охирига бориб, 8 кишидан иборат бу оилавий звено 15 минг 153 сўм соф даромад олди. Яхши ишлаган ҳар бир колхозчининг ўртача иш ҳақи 256—305 сўмданга тўғри келди.

Колхозимиз меҳнаткашлари бу йил ҳосилдорликни 40 центнердан оширишга ахд қилишган. Парваришнинг ўз вақтида сифатли бажарилишида, албатта, депутатларимиз шахсан намуна бўлмоқдалар.

З. ҲАЙДАРОВА.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«МЕВА САБЗАВОТ ТАЪМИНОТИ НАЗОРАТДА»

ЮҚОРИДАГИ рубрика остида «Тошкент ҳақиқати», «Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент» ва Ўзбекистон телевиденниесининг қўшма рейди натижалари «Бозордаги олибсотарлар», «Фойда операцияси», «Чайқовчиларга йўл берк!» сарлавҳалари остида эълон қилинган эди. Мазкур мақолалар юзасидан қатор ташкилотлардан жавоблар олинди. Қуйида шу жавобларни диққатингизга ҳавола қиламиз.

«Фойда операцияси» сарлавҳали мақолага область пассажирлар ташиш ишлаб чиқариш автотрести бошқарувчиси А. П. Шейндан олинган жавобда шундай дейилади:

Мақола автотрест Советида муҳокама қилинди. Йўловчиларга хизмат қилиш учун чиқарилган автобуслар ишини қониқарсиз ташкил этгани, интизомсиз ҳайдовчиларга ва қонда бузувчиларга талабчанликни бўшаштириб юборганлиги учун шаҳарлараро юк ташиш область автомобиль парки эксплуатация бўлимининг бошлиғи А. Раҳматов, парк автоколонниаси бошлиғи В. Пискунов ва автотрестнинг назорат бўлими бошлиғи У. Яфаевларга виговор берилди.

97—53 номерли машина шофёри М. Мирқурбонов автобусда қонунсиз юк ташигани учун ишдан бўшатилди, ва юк автомашинасида ишлаш учун ўтказилган. М. Мирқурбонов ҳақидаги материаллар тергов органларига топширилди.

Булардан ташқари область автотрестининг йиғилишида юқоридаги каби камчиликларнинг такрорланмаслиги ҳақида тадбирлар белгиланди.

ЯНА «Фойда операцияси» мақоласи юзасидан «Далварзин» совхози директори И. Ортиқов имзоси билан олинган жавоб хатида эса Муҳиддин Арзиматов сувчи бўлиб ишлаётган биринчи бўлим коллективи газетада тўғри танқид қилинганлиги қайд қилинади.

Меҳнат интизомининг бузилишига йўл қўйган кишилар совхоз коллективи ўртасида муҳокама қилинган. Биринчи бўлим бошқарувчиси А. Ҳалилов, бригадир Р. Йўлдошевалар жиддий огоҳлантирилган, Сувчи М. Арзиматовга совхоз маъмуриятининг буйруғи билан ҳайфсан эълон қилинган. Шунингдек, меҳнат интизомининг бузилишига йўл қўймаслик чоралари белгиланган.

ГАЗЕТАНИНГ 12 июль сонида эълон қилинган «Чайқовчиларга йўл берк!» сарлавҳали мақолага Чилонзор район улгуржи-чакана савдо идораси директори З. Неъматовдан олинган жавобда мақола моддий жавобгар шахсларнинг иштирокида муҳокама қилинганлиги айтилади.

Улгуржи-чакана идоралари орқали Тошкентдан ташқарига турли сабзавот маҳсулотлари ва мевалар чиқариш таъқиқланган бўлишига қарамай 7-омборхона мудири С. Жўраев белгиланган тартибни бузиб, 2 тонна пиёзни Чимкент областига жўнатиб юборган. У бу қилмиши учун вазифасидан бўшатилган.

● Коммунистик райониндаги «Ленинский путь» колхозининг Роберт Ким бошчилигидаги маккажўхорикорлик бригадаси коллективи ҳам тадбиркорлик билан иш юритиб, 60 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 100 центнердан дон ҳосили йиғиштириб олишди. Суратларда: (юқорида чапда) бригада аъзоси Моисей Юн ҳосил чўғини чамалаб кўрмоқда; йиғиштириб олинган донни хирмонга жўнатиш; (пастда) бригада далаларида ўримйиғим ишлари.

В. Портнов фотолари.

УШАЛГАН АРМОН

60

ДАЛВАРЗИН воҳаси бир вақтлар қақраб ётган чўллардан, қадам етмас тўқайзор ва ботқоқликлардан иборат эди. Бекободни ўзлаштириш, гуллаб-яшнаган боғу-бўстонга айлантириш ота-буваларимизнинг қалбида ушалмас бир армондек давом этиб келди. Уларнинг эзгу нияти фақат совет ҳокимияти даврига келиб рўёбга чиқди. Аммо бунга осонликча эришилгани йўқ. Бу ҳақда ўтмишнинг жонли гувоҳлари бўлган табаррук кексалар шу кунгача қизиқ-қизиқ афсоналар сўзлаб юришади.

Яқинда ана шундай кўпни кўрган, колхоз тузумининг ташкилотчиларидан бири бўлган Пердахон ота Совутов билан суҳбатлашиш шарафига муяссар бўлдик. Қуйида унинг ҳикоясини эътиборингизга ҳавола қиламиз:

— ОИЛАДА тўртинчи бўлиб туғилдим. Онамнинг айтишича, уч ёшга тўлар-тўлмас отамдан ажраган эканман. Шу боисдан ҳарчанд уринмай, у кишининг қиёфасини кўз олдимга келтира олмайман. Билишимча, отам азбаройи камбағаллик важидан ҳафталаб уйда бўлмас, гоҳида ҳориб-чарчаб бир бурда нон топиб келар экан.

Мурғак хотираларим ҳеч ёдимдан кўтарилмайди. Болалигим қамишзор, тўқайлар ичида кўмилиб кетди. Сал эсимни танигач, акам Тоғай билан маҳаллий бойлардан Эрубой ва Бухоробойларнинг хизматини қила бошладим. Бир куни денг, бойнинг молларига пичан ўра туриб, оёғимга чўкиртак кириб кетди. Акам мени опичлаб, уйга олиб келди. Эртаси куни акам ўримга борса, ғарамлаб қўйган пичанимизни кимдир туни билан ташиб кетибди. Ўша куни иккаламиз минг ўй-хаёлда бойнинг олдига узр сўраб боришга мажбур бўлдик. Бироқ бой бизни олдига солиб қувди: «Бор, йўқол, қарзларингдан қутилмагунча кўзимга кўринманглар. Унгача бир кафт ҳам ун ололмайсанлар, лаънатилар»...

Бечора акам, шишиб кетган оёғимни қадоқ қўллари билан силар экан, ўзини тутолмади, «Шўрпешона эканмиз; укажон» деди-ю, ҳўнграб юборди.

...Етим бошига эмас, оч қорнига эмас, қадрига йиғлаётган биз икки норасидани юпатадиган одам топилмасди шу топда. Хайриятки, бошимизга тушган бундай аянчли кунлар узоққа чўзилмади.

Тез орада «Уриснинг юртида хуррият бўлибди. Энди бой-камбағал йўқотилиб, ер-сув ўртада бўлармиш, ҳамма биргалашиб ишларкиш», деган миш-мишлар «дунёдан четда қолган» бизнинг қишлоғимизга ҳам етиб келди. Бойлар йўқотилди, жамоалар тузилиб биз ҳам одам қаторига кирдик. 30-йилларга келиб ҳозирги Ойбек номли совхоз территориясида «Қолгансир» ва «Қора қўйли» қишлоқ Советлари ташкил қилинди. «Қолгансир» қишлоқ Советига ҳозирги совхозимизнинг биринчи ва иккинчи бўлимларига жойлашган овуллар қарар эди. Ўша пайтларда бу ерлар тўқайзор бўлгани учун аҳоли асосан чорвачилик билан шуғулланарди. Чунки деҳқончилик қилиш учун сув йўқ эди. Ҳолбуки, шундоққина ёнимиздан Сирдарё оқарди. Бир сўз билан айтганда, дарё бўйида туриб қўлтум сувга зор эдик.

Кейин дориломон кундар келди. Минг қатла шукур, шундай кунларнинг гувоҳи бўлдим. Қишлоғимизда очилган мактабда ўқиб, саводимни чиқардим, муаллимлик қилдим. Кечалари мактабда дарс бериб, кундузлари коллективлаштиришнинг аҳамияти ҳақида ташвиқот ишлари олиб бордим.

Меҳнатларимиз зое кетмади. 1934 йилга бориб якка хўжаликлар тўла барҳам топди. Шу йилдан бошлаб мен «Олға бос», «Қизил пахтакор», «Зарбдор», «Правда», Ворошилов номли, Калинин номли колхозлар ҳисобига йириклаштирилган Тельман номли колхозда агроном бўлиб ишлай бошладим. Албатта, у пайтларда колхозимиз экин майдони жуда кам бўлиб, 170 гектарга етар-етмас эди. Ҳозирги техника аранг 12 центнерни ташкил қиларди. Аммо Жиян Анорқулов, Нурмат Қоратоев, Саттор Бердиқулов, Сулаймон Ҳамдамов каби ўнлаб фидойи кишилар ўша кезлардаёқ мўл ҳосилга мустаҳкам пойдевор қўйиб кетишган эди.

ЙИЛЛАР ва ОДАМЛАР

ҚИШЛОҒИМИЗГА биринчи трактор 1926 йилда келди. Ўшанда қишлоғимиз аҳолиси тракторни кўриш учун беш чақирим йўл босиб, у ишлатилаётган жойга борган эди. Йўлда кетатуриб айтилган гапларни эсласам, ҳозир ҳам кулгим қистайди:

— Ҳукматнинг бу темир ҳўкизи фақат ёғ еб, ёғ ичар эмишми?..

— Ерни жуда чуқур ҳайдайди дейишади, шу ростмикин?

— Қайдам, чуқур бўлгани билан ҳосили омочникидай бўлмас эмиш. Энг ёмони — у юрган ерни худо қарғармиш, 5—6 йилдан кейин экин битмай қолармиш.

...Аслида трактор жон ҳузури экан. МТСларнинг ёрдами билан янги ерларни ўзлаштиришга, тўқайзорни экинзорга айлантиришга киришилди. Лекин бу пайтда трактор жуда кам эди, атиги иккита «ХТЗ» бўлиб, уларни ҳам рус йигитлари бошқаришар эди. Аммо ҳамқишлоқларимиз ҳам қараб туришгани йўқ. Колхозимизнинг биринчи раиси Умурзоқ Мусақулов қишлоқдан сал наридаги шоввага тегирмон қуришни таклиф қилди. Ўзи кечалари аравада қатнаб, Бекободдан цемент, қувур ташиди. Дон йиғиб, торттирди, ун қилдирди. Бу маҳсулот колхозчиларнинг меҳнатларига қараб тақсимланди.

ШУНДАЙ қилиб колхозларни мустаҳкамланиб, камбағал деҳқонлар елкасига офтоб тега бошлаган бир пайтда тўсатдан бошланган уруш кичкинагина «Чаноқ» қишлоғи аҳли бошига ҳам битмас-туганмас қайғу-қулфатлар келтирди. Фронтга кетган 30 нафар йигитдан фақат тўрт кишигина омон қайтди. Бу даврда мен колхозимиздаги энг қолоқ бригадага бошчилик қилардим. Мусибатли йиллар эмасми, далада асосан қиз-жувонлар ва болалар ишлашарди. Қош қорайгунча пахта терадиган ҳам, тунлари кўсак чувадиган ҳам, араваларга ортиб, пунктга топшириб келадиганлар ҳам шулар эди. Ҳозир салгина қийинчиликдан қайғурадиган одамларни учратсам, ўша даврлар эсимга тушаверади. Болалик завқи нималигини билмаган гўдакларнинг, тўй либослари бир умр сандиқда қолган келинчакларнинг, охирги куч-мадорини йиғиб ёрдамга чиққан отахону-онахонларнинг маъюс чеҳралари, ҳорғин кўзлари, интизор нигоҳлари кўз ўнгимда гавдаланаверади. Эҳтимол, ҳаётимдаги энг қувончли дамларни унутган бўлсам бордир. Аммо эл бошига тушган қора кунларни-чи?.. Асло, унутолмайман. Шу боис ҳам мудом урушни лаънатлайман, инсониятга фақат тинчлик керак, осойишталик керак, деб ўйлайман.

Ажаб, шундай мотамсаро дамларда ҳам халқимиз катта ишларга қўл урди. Сирдарё соҳилларида Фарҳод ГЭСи пайдо бўлди. Чўлга сув чиқарилди, канал ва ариқлар қазилди. 50-йиллар арафасида турли областлардан чўлни ўзлаштириш учун оилалар кўчиб кела бошлади. Самарқандлик юзга яқин хўжалик аъзолари эса бизнинг колхоздан томорқа олишди. 1955 йилда 600 гектар ердан колхозимиз 1000 тоннадан кўпроқ пахта ҳосили йиғиштириб олди.

«Чаноқ» совхози тузилгандан сўнг қишлоқлар қайта қурилиб, кўркам тус ола бошлади. Совхозда 2 та қишки, битта ёзги клуб биноси, 2 та ошхона-кафе, битта чойхона, кўплаб замонавий турар-жой бинолари, шифохона, болалар боғчалари ва бошқа муассасалар барпо этилди. Буларнинг барчасига ҳалол меҳнат орқали эришдик. Чунки 70-йиллардаёқ совхозимиз 6 минг тонна пахта етказиб берадиган йирик хўжаликка айланган эди.

...1973 ЙИЛДА пенсияга чиқдим. Лекин кўнглим ҳамиша далада. Кунора далага чиқиб деҳқонлар билан суҳбатлашаман, баҳоли қудрат уларга ёрдамлашаман. Бир пиёла чой устида шу қишлоқларни, экинзорларни яшнатиш учун ўз жонларини аямаган кишиларни эслайман. Тўғри, уларнинг кўпчилиги энди орамизда йўқ. Лекин уларнинг умри мана бу яшнаётган қишлоқларда, суви мавжланиб оқаётган каналлар бағрида, кишиларимиз қалбида давом этяпти. Сизларга қай бирини айтай. Тошмат Султонов, Умурзоқ Мусақулов, Аваз Аллабердиевларними? Булоқ Қўйлибоев, Имонберди Жиянбоев, Абдулазиз Усмонов, Абдумавлон Абдураимов, Пардабой Бойтериковларними? Ёки Шаббоз Умиров, Сулаймон Ҳамдамов, Турғун Усмонов, Эшпўлат Саимов, Турсун Мирзаев, Валлами Тўхтабоевларними? Уларнинг хотираси олдида қўлимни кўксимга қўяман, таъзим қиламан. Чунки ҳозирги ёрқин ҳаётимизга пойдевор қўйган шулар, шуларнинг қадоқ қўллари.

...Ҳозир Ойбек номи берилган совхозимизнинг умумий территорияси 6 минг гектарга, экин майдони эса 3260 гектарга етди. Пахтакорларимизнинг нияти — бу йил 2290 гектар майдонда 8 минг тонна пахта етиштириш. Ишимиз натижасини айтиб ўтирмайман, буни ғалвир сувдан кўтарилганда ўзингиз билиб оласиз. Аммо ғўзаларимизнинг ривожи ҳар қачонгидан яхши эканлигини баралла айта оламан. Бошқа соҳаларда эришаётган ютуқларимиз ҳам чакки эмас. Чорвачилик, боғдорчилик ва дончиликни ривожлантиришга эътибор катта. Ҳамма соҳада тўкин-сочинлик, маъмурчилик.

Ҳалол меҳнат мевасини қаранг, бир пайтлар қорнини тўйдира олмаган батракнинг боласи энди қўша-қўша келин туширяпти. Бир қишлоқнинг ўзида бир кунда 2—3 та тўй бўляпти. Ўнлаб хонадонларда енгил машина, мотоцикл бор. Ҳар бир оилада радио, телевизор, магнитофон, холодильник...

ҚИЗИҚ, ҳозир биринчи синфда ўқийдиган неварам қатори ўғил-қизларга бир вақтлар ўқитувчилик қилганимни айтишга ҳам ийманаман. Ахир, улар мендан анча саводлироқ-ку. Чунки совхозимизда ёш авлод тарбиясига катта аҳамият берилмоқда. Қишлоқларимизда 6 та типовой ва 5 та мавсумий болалар боғчалари, 5 та ўрта мактаб, 3 та саккиз йиллик мактаб ва битта мактабларо ўқув ишлаб чиқариш комбинати ишлаб турибди. Шунингдек, 2 та алоқа бўлими, Ойбек номли маданий-маърифий ишлар бўлими, 2 та ҳаммом, маиший хизмат кўрсатиш уйи, автомат телефон станцияси, марказий қишлоқ врачлик амбулаторияси, 5 та медпункт ҳам улар хизматида. Шуларни кўриб кўзим қувонади, шундай бахтиёр кунларга етганимга шукроналар айтаман.

Буларнинг ҳаммасини қишлоғимиз кишиларининг ўзлари яратишган. Меҳнат билан, сабот билан, кези келганда фидойилик билан шу кунлар учун курашганлар. Зеро, улар бор экан, ҳаётимиз гулдай яшнаверади, эзгу ниятларимиз рўёбга чиқаверади!..

Суҳбатни Р. ЭСОНОВ, А. ҲАЙДАРОВлар ёзиб олишди.

ШАРОИТ ЯРАТИБ БЕРИЛСА...

ХЎЖАЛИКНИНГ ярим йиллик ҳисобот йиғилиши давом этарди. Колхоз правлениесининг раиси Умурзоқ Душаев ўз докладида шахсий ёрдамчи хўжаликларини ривожлантираётган хонадон соҳиблари алоҳида тилга олиб ўтди. Йиғилиш сўнггида 14 нафар уй бекасига бу ишдаги ютуқлари учун мукофот топширилди...

Бундан уч йил бурун Пискент районидаги Ленин номли колхозда шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантиришга киришилди. Шунгача бironта ҳам хонадон давлатга чорвачилик маҳсулотлари топширмас, кўпчилигида эса ҳатто чорва моллари ҳам йўқ эди. Колхоз правлениеси биринчи навбатда хонадонларни чорва моллари билан таъминлашга ҳаракат қилди. Уларнинг баъзиларига узоқ муддатга мўлжалланган ёрдам пули берилди. Шу тариқа бир йилда 350 хонадонда чорвачилик маҳсулотлари етиштирила бошланди.

— Бу ишнинг бошланиши эди,— дейди У. Душаев.— Эндиликда биз аҳолида етиштирилаётган эҳтиёждан ортиқча гўшт, сут, тухум ва бошқа турдаги чорвачилик маҳсулотларини қабул қилиб олувчи пунктлар ташкил этдик. Айни кунларда 7 та қабул пунктида аҳолидан сут ва бошқа маҳсулотлар қабул қилиб олинмоқда.

Ҳақиқатан ҳам колхоз правлениеси бу хайрли ишни бошлаш билан бирга шахсий хонадонлардаги чорва туёғини кўпайтириб бориш, уларга ҳар томонлама шарт-шароит яратиш юзасидан тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқда. Шунинг учун ҳам йилдан-йилга шахсий хонадонларда етиштирилаётган маҳсулот кўпайиб боряпти.

— Мен 7 пунктда маҳсулотларни қабул қилиб олинишини ва уларга тўланаётган ҳақнинг ўз вақтида берилишини кузатиб, текшириб тураман,— дейди Э. Бердиев.— Ҳозир ҳар килограмм сут учун колхозчиларимизга 40 тийиндан ҳақ тўлаяпмиз. Шу тариқа улар мўмай даромад қилишмоқда.

ХЎЖАЛИК ШАХСИЙ — МАНФААТИ УМУМИЙ

Ҳа, бир қараганда колхозда чорвачилик маҳсулотларига тўланаётган ҳақ юқори. Бунинг асосий манбаи эса шахсий хонадонларнинг ўзида яратилмоқда. Чунки улар топширилаётган маҳсулотларнинг сифатига асосий эътиборни қаратганлар.

Колхоз правлениеси Олмалиқ сут — пишлоқ заводи билан хонадонларда етиштирилаётган сутни қабул қилиб олиш ва ташиш юзасидан шартнома тузган. Ана шу шартномага мувофиқ ҳар куни маълум вақтда заводдан махсус автомашина келиб пунктлардаги сутни олиб кетади. Завод маъмурияти ўтган вақт ичида сифатли ва серқаймоқ сут топшираётганликлари учун хонадонларга бир неча бор миннатдорчилик билдирди. 1984 йил давомида энг кўп маҳсулот топшираётган хонадонларни рағбатлантириш учун 1400 сўм пул мукофоти ажратди.

Албатта, қорамол бўлгани билан емиш бўлмаса, ишда силжиш бўлмайди. Колхоз правлениеси бу соҳада аҳолига яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Ўтган йили хонадонларга 50 тоннага яқин хашак тарқатилди. Айни вақтда уларга вақти-вақти билан бошқа турдаги озуқа маҳсулотлари тарқатилмоқда. Бу ғамхўрликлар ўз самарасини кўрсатяпти. Етти ой давомида шахсий хўжаликлар 60 тоннадан ортиқ сут етказиб бердилар. Г. Мусурмонова, Т. Марасулова, М. Сулаймонова, Қ. Барлибоев сингари хонадон соҳиблари 2000—3000 килограммдан сут топширдилар.

И. ТОШЕВ.

ЎН БИРИНЧИ беш йиллик Бўстонлиқ районидаги Калинин номли колхоз картошкакорлари учун ютуқларга бой бўлмоқда. Дастлаб хўжалик бўйича давлатга 300 тонна ўрнига 616 тонна картошка топширилиб, икки йиллик план 205 процентга адо этилган эди. Ўтган йили эса бу борадаги план 548,1 процентга етказилди.

ҲОСИЛДОРЛИК КЕСКИН ОШМОҚДА

Колхозда картошка етиштириш билан ягона бригада шуғулланади. Унга тажрибали деҳқон, кекса коммунист, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Арслон Умаров етакчилик қилади. Бригада аҳли шу йил бошида картошка етиштиришни янада кўпайтириш юзасидан хайрли ташаббус билан чиққан эди. Шунга яраша амалга оширилган ишлар ўз самарасини берди. Ўтган ойдаёқ 14 гектар ердан пландаги 150 тонна ўрнига 151 тонна ҳосил йиғиштириб олинди.

— Лекин ҳали ҳосилимиз чўғи мўл, — дейди бригада бошлиғи А. Умаров. — Бугунги кунда ҳосили етилган 20 гектар майдонда дала ишларини қизитиб юборганмиз. Аҳдимиз ҳар гектар ердан 200 центнер картошка териб олиб, шаҳарликлар дастурхонига жўнатишдан иборат.

М. ФАТТОҲОВ.

Чет эл янгиликлари

ЯНГИ ҲАЁТ ДАРАКЧИСИ

Петер ЦОЛОТКА,

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Словакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг Раиси

Шу кунларда социалистик Чехословакия Словакия миллий қўзғолонининг 40 йиллигини нишонламоқда. Бу қўзғолон халқимизнинг бундан олдинги миллий-озодлик кураши, Совет Иттифоқининг Улуғ Ватан урушидаги қаҳрамонона кураши билан узвий боғлиқдир.

1944 йилнинг ёзида Совет Армияси ҳужум операцияларининг бевосита таъсири остида Словакияда гитлерпараст клерикал-фашист режимига қарши партизанлар ҳаракати оммавий тус олди. Совет қўшинларининг олға қараб қилаётган ҳаракатларига, уларнинг Германияга киришига тўсқинлик қилишга уринаётган нацистларнинг режаларида Словакия территорияси ғоят катта стратегик аҳамиятга эга эди. Шунинг учун Гитлер Словакияни босиб олишга қарор қилди. Фашист қўшинларининг Ватанимиз территориясига бостириб кириши халқ қуролли курашининг бошланишига бевосита туртки бўлди.

1944 йил 29 августда халқнинг антифашист кураши умуммиллий қўзғолонга айланди. Банска-Бистрица бу қўзғолоннинг маркази бўлди.

ЧКП Марказий Комитети, ЧССР миллий фронти ва ЧССР ҳукуматининг чехословак халқи миллий-озодлик кураши тугалланганлигининг ҳамда Чехословакия Совет Армияси томонидан озод этилганлигининг 40 йиллиги муносабати билан эълон қилган мурожаатида Словакия миллий қўзғолони Европадаги энг қудратли антифашист чиқишларидан бири эканлиги ва энг янги тарихимизнинг шонли саҳифаларида ўчмас из қолдирганлиги алоҳида таъкидланади. Бу қўзғолон давлатимизнинг келажаги учун улкан аҳамиятга эга бўлди. У янги ҳаёт, социализм қурилишига асос солди. Словакия миллий қўзғолони миллий демократик революциянинг даракчиси бўлди. Маълумки, кейинчалик у социалистик революцияга айланди.

СЛОВАКИЯ МИЛЛИЙ АНТИФАШИСТ ҚЎЗҒОЛОНИНИНГ 40 ИЙЛЛИГИГА

1943 йил августида Словакия Коммунистик партияси (СКП) яширин Марказий Комитети ўз фаолиятини кучайтириб юборди. Марказий Комитет составида Карол Шмидке, Густав Гусак, Ладислав Новомеский бор эди. СКП қўзғолонга тайёргарлик кўриш даврида Чехословакиянинг давлат мустақиллиги ва озодлигини тиклаш учун курашни меҳнаткашларнинг адолатли социал ва миллий талабларини амалга ошириш учун кураш билан қўшиб олиб боришга алоҳида эътиборни қаратди. Меҳнаткашлар антифашист курашининг ҳал қилувчи кучига айланган ишчилар синфи раҳбарлигида қўзғолон давомида муҳим революцион ўзгартишларни амалга оширдилар. Чехословакия Совет Армияси томонидан озод этилгандан сўнг бу ўзгартиришлар бутун мамлакатда амалга оширилди.

Словакия миллий қўзғолони биринчи озод территорияни қарор топтирди. Худди шу территорияда Чехословакия халқ демократик республикаси эълон қилинди. Озод қилинган территориядаги олий давлат ҳокимияти органи ҳисобланган Словакия миллий Совети билан бир қаторда халқ ҳокимиятининг маҳаллий органлари — миллий комитетлар ҳам фаолият кўрсата бошлади. Саноатни национализация қилиш бўйича дастлабки қадамлар қўйилди, маданиятни демократлаштириш принципи ҳаётга тадбиқ этила бошланди. Ягона касаба союзлар ташкил этилди. Меҳнаткашлар манфаатларига қаратилган қатор бошқа тадбирлар ҳам амалга оширилди.

Словакия миллий қўзғолони чехлар ва словаклар ўртасида янгича, чинакамига адолатли миллий муносабатларга асос яратди. Изчил миллий сиёсатни амалга ошириш, умумдавлатда халқларимизнинг қардошларча бирлигини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратилди.

Бугунги Словакия ривожланган саноатга, замонавий қишлоқ хўжалиги, етук фан ва маданиятга эгадир. Бу чехлар, словаклар, ЧССРда яшовчи бошқа халқларнинг биргаликда олиб борган курашлари самараларидир.

Словакия миллий қўзғолони урушдан сўнгги Чехословакиянинг ташқи сиёсатини белгилашда муҳим роль ўйнади. Словакия миллий Совети 1943 йилдаёқ Совет Иттифоқи билан қалин ҳамкорлик қилиш истагини билдириб, бу кичик халқларнинг озодлиги ва уларнинг ҳар тарафлама ривожланишининг гаровидир, деб таъкидлаган эди.

Бундай хулосага халқларимизнинг аччиқ тарихий тажрибаси асосида келинган эди. Зеро, улар 1938 йилда Мюнхенда гитлерчилар Германияси билан ғарбий давлатларнинг тил бириктириши пайтида фақат Совет Иттифоқигина Чехословакия тарафини олганлигини яхши билар эдлар. Бу Словакия қўзғолони пайтида ҳам тасдиқланди. Қардош совет халқи қўзғолончиларга ҳар тарафлама моддий, ҳарбий ва маънавий ёрдам кўрсатдилар. Қўзғолон раҳбарларидан бири, ҳозирги пайтда ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР президенти Густав Гусак таъкидлаганидек, Словакия қўзғолони ва Совет ёрдами узвий боғлиқ тушунчадир.

Ўтган 40 йил словак халқи танлаган тарихий йўлнинг тўғрилигини тўла исботлади. Капиталистик Чехословакияда Словакия нисбатан ривожланган Чехиянинг қолоқ аграр чекка ўлкаси ҳисобланарди. 1937 йилда унинг мамлакат миллий даромадидаги ҳиссаси атиги 15 процентни ташкил этган эди. Чехословакия Совет Армияси томонидан фашизмдан озод этилгач ва айниқса 1948 йилги февраль революцияси ғалабасидан сўнг, ишчилар ҳокимиятни узил-кесил ўз қўлларига олганларидан кейин ЧКП раҳбарлигида, чех ишчилар синфининг қардошларча ёрдами билан Словакияни Чехия даражасига етказиш программаси изчил амалга оширила бошланди. Натижада 1948 йилда республика мамлакат миллий даромадининг 18,9 процентини яратган бўлса, 1983 йилда бу кўрсаткич 29,1 процентга етди.

1948 йилдан 1983 йилгача бўлган даврда республикада саноат ишлаб чиқариши 26,7 бараварга кўпайди. Социалистик қишлоқ хўжалиги 1948 йилдагига қараганда 2,3 баравар кўп маҳсулот бермоқда. Буларнинг ҳаммаси словак меҳнаткашларининг турмуш фаровонлигини сезиларли даражада ошириш имконини берди.

Словакия социалистик республикаси халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, фан ва маданиятни ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришди.

Словакия миллий қўзғолони мамлакатимизнинг ҳақиқий хўжайини — меҳнат кишиси манфаатларини кўзлаб амалга оширилди. Бу қўзғолон туфайли Коммунистик партия раҳбарлигида янги жамият — социализм муваффақиятли қурилмоқда.

(ОРБИС—АПН).

Никарагуада совет мутахассислари катта ҳурмат-эътиборга эга. Улар ёш республикага экономикани, соғлиқни сақлаш системасини ривожлантиришда, миллий кадрлар тайёрлашда ёрдам бермоқдалар. Суратда: ульяновсклик Александр Костригин (ўнгда) никарагуалик механиклар Хуан Карденал ва Хирберто Лопес билан Совет Иттифоқидан юборилаётган қишлоқ хўжалик техникасига хизмат кўрсатадиган устахонада.

Г. Надеждин фотоси.

ТАСС фотохроникаси.

ХАТАРЛИ РЕЖАЛАР

ВАШИНГТОН, 27 август. (ТАСС). Президент Рейган космосда қуролланиш пойгасига юзлаб миллиард доллар маблағ сарфлаш ниятидадир, деди демократик партиядан АҚШ президентлигига номзод У. Мондейль радио орқали сўзлаган нутқида. У ҳозирги маъмуриятнинг эълон қилган элементлари космосда жойлаштириладиган ракетага қарши мудофаа кенг кўламли системасини вужудга келтириш программаси ҳалокатнинг олдини олмай, балки аксинча «осмонни ядро уруши майдонига айлантиради», деди.

«ЭРКИН ДУНЁ» ҚИЁФАСИ

ИШСИЗЛАР САФИ УСМОҚДА. Америка Қўшма Штатларида меҳнаткашларни ишдан бўшатиш авж олаётганлиги ҳақидаги хабарларни телетайп ҳар куни бериб турибди. АҚШнинг йирик «Америкэн телефон энд телеграф» телефон компанияси 11 минг кишини ишдан бўшатиш ҳақида эълон чиқарди. Огайо штатидаги «Эл-Ти-Ви Стил» корпорацияси ўз корхоналаридан 2 мингга яқин металлургни бўшатган.

УЙСИЗЛАР КУЛФАТИ. Қоҳирадан олинган хабарга кўра, ўнлаб кишилар уй-жойсиз қолган бўлса, 55 минг квартира бир неча йиллар мобайнида бўм-бўш турибди. Хусусий уй-жойлар эгалари уй-жой учун нарх-навони ошириб юборганликлари туфайли эшикларга қулф солинган.

Қоҳирадаги уй-жойларда яшаш таннархи анча баланд. Бир квартирада яшаш учун ойига ўртача 300-400 фунт пул керак. Айни чоғда олий маълумотли мутахассис қўлига ойига бор-йўғи 70-80 фунт пул тушади, холос.

ТУРИЗМ

ЕР КУРРАСИ БЎЙЛАБ

Мовий Дунай ҳақида қанчадан-қанча қизиқ воқеалар, эртаклар тўқилган. Унинг ҳақида ёзувчилар, санъаткорлар озмунча асарлар яратишганми?!

Дунайда сузган киши унинг салқин ҳавосидан бахраманд бўлади, туташган ирмоқлар, дарёга сиқилиб кирган тоғлардаги кўплаб ҳайвонлар, қушларни кўриб ҳайратга тушади. Дайдиб юрган айиқлар, тоғ эчкилари, оҳу, турли мўйнали ҳайвонлар теплоходни кузатгандек узоқдан қараб қолишади. Ўрта ва қуйи Дунайда бўри, силовсин, тулки, кўзан, қуён ва бошқа ҳайвонлар кўп. Сув устида баландда бургут, қирғий, қарқурлар учиб юришади. Дарё бўйидаги қамишзор, кўлларда ҳам қушлар гала-гала бўлиб яшашади.

Балиқлар ҳақида-ку сўз йўқ. Кунлар исиганда теплоход атрофида туристлар ташлаган ушоқларни еб, ғужғон ўйнашади. Бу ердаги лаққа балиқларнинг узунлиги уч метрга, оғирлиги 300 килограммгача етади.

Ҳа, мовий Дунайнинг гўзаллиги тенгсиз. Яқинда область комсомол комитети «Спутник» ёшлар туризми бюроси йўлланмаси билан бир группа сайёҳлар Дунай круизи: Руминия — Венгрия — Болгария Чехословакия — Австрия маршрути бўйлаб кўнгилли дам олиб қайтишди.

Областимизнинг кўплаб комсомол-ёшлари «Спутник» йўлланмаси билан социалистик ривожланаётган, шунингдек капиталистик мамлакатлар бўйлаб мароқли саёҳатларда бўлмоқдалар. У жойларда халқларнинг урф-одатлари, тарихи, маданияти, санъати билан танишмоқдалар, дарёлар, ўрмонлар, гўзал табиат бағрида бўлиб, ҳордиқ чиқармоқдалар.

Шу йилнинг ўтган даври ичида беш группа турли маршрутлар билан Болгарияда бўлди. Жумладан, Сергели район комсомол комитетининг секретари Муқаддам Расулова бошлиқ группа София — Бургас — Халқаро ёшлар маркази — Шипка — Старая Загора — Тирново маршрути билан саёҳатга чиқишди. Дўст мамлакатнинг ёшлари билан мулоқотда бўлишиб, дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашди. Масалан, Г. Димитров номли халқаро ёшлар марказида бўлишганда мазкур марказ ташкил этилганлигининг 25 йиллигига бағишланган ҳафталикда қатнашишди. Группа аъзолари спорт мусобақаларида ҳам иштирок этдилар. Гулбагида Қурбонова сузиш мусобақасида иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Областимиз вакиллари Германия Демократик Республикасига сафар чоғида немис ёшлари билан ҳам яқиндан алоқада бўлдилар. Айниқса, Дрезден шаҳри ёшлари билан учрашув тошкентликларда катта таассурот қолдирди. Вакилларимиз, группа аъзоларидан Э. Саидова, А. Баширова, А. Мартиненко, Н. Прокопенколар ўз навбатида серқуёш Ўзбекистон, унинг комсомол ёшлари ҳаёти, ишлаб чиқариши ,табиати ҳақида ҳикоя қилиб бердилар.

Венгрияда бўлган сайёҳлар Будапешт — Кечкемент —Килиантелеп — Дебрецен маршрути бўйлаб дам олишди. Улар венгер ёшлари клубида учрашувда, шунингдек, фан ва маданият уйида, тарих ҳамда этнография музейларида бўлдилар. Балатон кўлининг шимолида жойлашган ёшларнинг халқаро дам олиш уйида, ажойиб табиат қўйнида ҳордиқ чиқардилар.

— Чет мамлакатларда бўлиб қайтаётганлар асосан ишлаб чиқариш илғорлари, актив жамоатчи ёшлардир,— дейди область комсомол комитети «Спутник» халқаро ёшлар туризми бюросининг референти Комила Алимова. Масалан, яқинда Польшада бўлиб келган сайёҳлар Тошкент, Оржоникидзе районлари, шунингдек Тошкент шаҳридаги С. Раҳимов райони социалистик мусобақаси ғолиблари эди. Шу группа аъзоларидан Тоҳир Шермуҳамедов «Коммунист» колхозининг илғор механизатори. У кунлик нормасини доимо 120—130 процент қилиб бажаради. Ўзига топширилган техникадан самарали фойдаланади. Ўн биринчи беш йиллиликнинг ўтган даври ичида 3,2 тонна ёнилғи-мойлаш материаллари ва 400 сўмликдан ортиқ эҳтиёт қисмларни тежаб қолди. Группанинг бошқа аъзолари ҳақида ҳам шундай илиқ гапларни айтиш мумкин.

1984 йилнинг ўтган даври ичида 800 нафардан кўп ёш турли мамлакатларда, шу жумладан, Германия Демократик Республикаси, Чехословакия, Югославия, Венгрия, Болгария, Финляндия, Туркия, Дания, Норвегия, Швеция, Франция, Миср, Австрия, Японияда бўлишди. Бу йил яна бир группа илғорлар Жазоир, Корея, халқ Демократик республикаси, Португалия, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар, шунингдек, Болтиқ круизи, Жанубий-Шарқий круизларда бўладилар.

Б. ПЎЛАТОВ.

Янгиобод шаҳрида кончилар куни янги маданият саройи ишга туширилди. Бугунги кунда бу маданият ўчоғи шаҳар кўркига кўрк қўшиб турибди.

Суратда: маданият саройининг умумий кўриниши.

Б. ҲАКИМОВ фотоси.

«ТИЛЛА БУЗОҚ»

(Ферма мудирининг уйи. У ишга отланяпти. Эшикдан мотоциклнинг тўхтаган овози эшитилади. Эшик қия очилиб, зоотехник киради).

ЗООТЕХНИК — Ассалому алайкум!

ФЕРМА МУДИРИ — Келинг, ваалайкум ассалом!

ЗООТЕХНИК — Ишга чиқиб кетдингизми деб эдим, уйда экансиз.

ФЕРМА МУДИРИ — Эшитдингизми, ҳозир молбоқар кирган эди. «Бухгалтернинг бузоғини ҳўкиз сузибди» деди.

ЗООТЕХНИК —Ҳа, ёмон сузибди, дори-дармон қилдим, тузалиши қийинов.

ФЕРМА МУДИРИ — Чатоқ бўлибди. Биласизми-билмайсизми, бухгалтеримиз жуда тажанг, гина сақлайдиган одам. Қутилмасга қолдикмиз.

ЗООТЕХНИК — Хафа бўлманг-ку, аввало фермага бунақа ҳар кимнинг молини келтирмаслик керак эди. Кўнгилчанлик қилиб «боқиб бераміз» келдингиз-а.

ФЕРМА МУДИРИ —Нима бўлса бўлди. Хўш, энди нима қилсак бўлади?

ЗООТЕХНИК — Телефон қилиб айтинг, бузоғини олиб кетсин.

ФЕРМА МУДИРИ — «Олиб кет» дейишимиз кўнглига оғир ботади.

ЗООТЕХНИК — Нима қилмоқчисиз бўлмаса?

ФЕРМА МУДИРИ —(номер теради). Алло, ассалому алайкум, бу мен — бухгалтер ака, Яйловбеков. Аҳволлар яхшими, укалар, сингиллар, уйичилар саломатми?

БУХГАЛТЕР — Ўзлари яхши юрибдиларми? Янги зоотехник қалай, дурустми?

ФЕРМА МУДИРИ —Яхши-яхши. Ферма ишларини дўндиряпти.

БУХГАЛТЕР — Саломат бўлсин, ўзи ўсадиган йигит. Ферманинг икир-чикиларини ўргатинг.

ФЕРМА МУДИРИ —Албатта, албатта.

БУХГАЛТЕР — Бу менинг тарғил ғунажиним қалай? Сигир бўлай деяптими, тузук қараяпсизларми, ўзи бўладиган наслдор мол-да.

ЗООТЕХНИК — (четга) 3 ойлик бузоқни ғунажин деяпти. Гапини қаранг-а, наслдор мол эмиш-а.

ФЕРМА МУДИРИ —Бузоғингиз қурмағур жуда шўх экан. Ферманинг бир катта ҳўкизига калла ташлаб боши лат ебди, бетоброқ кўринади.

БУХГАЛТЕР — Нима, нима?! Бетоброқ дейсизми?!

ФЕРМА МУДИРИ — Ҳа, та бўлсин, серсут бўлади.

ФЕРМА МУДИРИ — Ҳа, семирганда қанақа денг, жуда тирсиллаб кетди. Фермага келтирганингизда неча кило эди бузоғингиз?

БУХГАЛТЕР — 45 кило эди.

ФЕРМА МУДИРИ —Ҳозир биласизми, тирик вазни 120 дан ошиб кетди.

БУХГАЛТЕР — Баракалло, минг раҳмат, минг раҳмат, сизларга. Ҳа, зоотехник укамизга ҳам қойилман. Раис бува кадр танлашда хато қилмаган экан. Энди кам-кўстлар бўлса, тортинмай айтаверинглар. Яхши ишлаётган ферма киз-ку, бу меники эмас, деса-чи?

ФЕРМА МУДИРИ (кулимсираб) — Тарғилингиз семириб қора қашқага айланиб кетди, сиз буни бузоқ деб янглишган экансиз, ҳўкиз чиқиб қолди, десанг бўлаверади. У эса инсон хатодан ҳоли эмас, деб олаверади. Унинг феъли шунақа, «ол-ол»га йўлиққан. Муроса қилмасанг бўлмайди.

ЗООТЕХНИК — Муроса, муроса... (номер теради).

ФЕРМА МУДИРИ — Қаёққа телефон қиляпсиз, ука?

ЗООТЕХНИК — Раис бувага?

ФЕРМА МУДИРИ — Нега, нима учун?!

ЗООТЕХНИК — Бухгалтер ўзининг довдир бузоғини олиб кетаверсин. Унга ферманинг ташлаб қўйган ҳўкизи йўқ.

ФЕРМА МУДИРИ—(телефонга ёпишиб). Бухгалтернинг кимлигини биласизми?

ЗООТЕХНИК—Нега билмай, колхоз бухгалтерида.

ФЕРМА МУДИРИ — Ҳа, ука, билмайсиз. Вилиб қўйинг. У кини раис бува қудаларининг укаси бўладилар. (Секин). Виздан нима кетди, ўрнига ўрин. Бунақанги даҳал бўлманг, ора бузилмасин.

ЗООТЕХНИК — Ора бузилмасин деб ўлимтик бузоққа ҳўкиз тўласак. Фермани нинг ҳоли нима бўлади, совуриб юборамиз-ку!

ФЕРМА МУДИРИ—Ферма шунақа, оласиз, берасиз, совурасиз. Жуда зўр келса битта хайфсан оласизу, ўрнингизда қоласиз. Тоғни жилдириш мумкин, бизнинчи... бе!

ЗООТЕХНИК — (Жаҳли чиқиб). Бу ферма нега ўнгланмайди десам, сабаби бу ёқда эканда?

ФЕРМА МУДИРИ—(Мудир зоотехниknинг елкасига ҳазиломуз қоқиб). Э, укажон, эшитганмисиз: муросаю мадора деганлар. Ҳўкиз билан эсон-омон қутулсак, шукур қилаверинг. Ахир, у тилла бузоқ-ку!..

Алп ЖАМОЛ.

ИНТЕРМЕДИЯ

шунақа, жуда ёмон сузган.

БУХГАЛТЕР — Тўлайсизлар! У ҳар куни 25 литр серқаймоқ сут берадиган тарғилнинг боласи-я... Келиннинг тарғилчани «тилла бузоқ» дейдилар. Тўлайсизлар.

ЗООТЕХНИК — (четга). Чалиш оёқ, жин урган оғир бузоқни говмиш ўрнида кўряпти-я.

БУХГАЛТЕР — Ҳа, нафасингиз ичингизга тушиб кетди, нега индамайсиз? Тўлайсиз!

ФЕРМА МУДИРИ — Нега биз тўлар экамиз? Тўлаш лозим бўлса сиз ўзингиз тўлайсиз. Сизнинг бузоғингиз ферма ҳўкизига калла қўйиб, сулайтириб қўйди.

БУХГАЛТЕР — Бундай демайсизми, Яйловбеков, эй омон бўлинг-э, сал бўлмаса орамиз бузилай деди. Ҳўкиз масаласига келсак... Начора, қоғоз, қалам қўлингизда, актга тиркаб кўя қолинглар, буёғи мени бўйнимда, ўзим текислаб юбораман, умуман, тарғилга яхши қаранглар, семирсин, тез катходимларининг рўйхатини беринг, мукофот олдириб бераман.

ФЕРМА МУДИРИ—Раҳмат сизга, раҳмат.

БУХГАЛТЕР — Сизга ҳам раҳмат, тарғилни аваллаб боқинглар. Усадиган мол, кузгача тоши 180—200 га бориб қолса, ажаб эмас, омон бўлинглар, чўлда чарчамас чорвадорлар. (Трубкани қўяди).

ЗООТЕХНИК — Нега тўғри гап турганда...

ФЕРМА МУДИРИ — Эй ука, битта бузоқ деб санманга бориб ўтиришимиз тузук эмас. Бўрдоқига боқилаётган ҳўкизчаларнинг бирини бериб қутилмасак бўлмайди.

ЗООТЕХНИК — Бўрдоқига боқилаётган новвосларнинг ичида тарғили йўқ, ҳаммаси ола-қора, сариқ.

ФЕРМА МУДИРИ — Эй, қизиқ экансан, қашқа борку, ҳа ўшани ажратингда қўйинг.

ЗООТЕХНИК — Униг бузоғи урғочи. Қашқа—ҳўкиз-ку, бу меники эмас, деса-чи?

ФЕРМА МУДИРИ (кулимсираб) — Тарғилингиз семириб қора қашқага айланиб кетди, сиз буни бузоқ деб янглишган экансиз, ҳўкиз чиқиб қолди, десанг бўлаверади. У эса инсон хатодан ҳоли эмас, деб олаверади. Унинг феъли шунақа, «ол-ол»га йўлиққан. Муроса қилмасанг бўлмайди.

ЗООТЕХНИК — Муроса, муроса... (номер теради).

ФЕРМА МУДИРИ — Қаёққа телефон қиляпсиз, ука?

ЗООТЕХНИК — Раис бувага?

ФЕРМА МУДИРИ — Нега, нима учун?!

ЗООТЕХНИК — Бухгалтер ўзининг довдир бузоғини олиб кетаверсин. Унга ферманинг ташлаб қўйган ҳўкизи йўқ.

ФЕРМА МУДИРИ—(телефонга ёпишиб). Бухгалтернинг кимлигини биласизми?

ЗООТЕХНИК—Нега билмай, колхоз бухгалтерида.

ФЕРМА МУДИРИ — Ҳа, ука, билмайсиз. Вилиб қўйинг. У кини раис бува қудаларининг укаси бўладилар. (Секин). Виздан нима кетди, ўрнига ўрин. Бунақанги даҳал бўлманг, ора бузилмасин.

ЗООТЕХНИК — Ора бузилмасин деб ўлимтик бузоққа ҳўкиз тўласак. Фермани нинг ҳоли нима бўлади, совуриб юборамиз-ку!

ФЕРМА МУДИРИ—Ферма шунақа, оласиз, берасиз, совурасиз. Жуда зўр келса битта хайфсан оласизу, ўрнингизда қоласиз. Тоғни жилдириш мумкин, бизнинчи... бе!

ЗООТЕХНИК — (Жаҳли чиқиб). Бу ферма нега ўнгланмайди десам, сабаби бу ёқда эканда?

ФЕРМА МУДИРИ—(Мудир зоотехниknинг елкасига ҳазиломуз қоқиб). Э, укажон, эшитганмисиз: муросаю мадора деганлар. Ҳўкиз билан эсон-омон қутулсак, шукур қилаверинг. Ахир, у тилла бузоқ-ку!..

Алп ЖАМОЛ.

● СПОРТ ● СПОРТ

«ДРУЖБА-84» МУСОБАҚАЛАРИДА

● СУЗИШ. Олимпиада спорт комплекси ҳавзасида мусобақалашган сузувчилар жаҳоннинг 5 та, Европанинг 10 та ва 72 та миллий рекордларни янгиладилар. Ана шу жаҳон рекорди ўрнатганлар қаторидан жой олган тошкентлик Сергей Заболотновга СССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитети хизмат кўрсатган спорт мастери фахрий унвонини берди. Рекордчининг устози О. Цветовга эса СССРда хизмат кўрсатган тренер унвони берилди.

● ДЗЮДО. Варшавада ниҳоясига етган мусобақаларда совет спортчиларининг ҳаммаси медалларга сазовор бўлди. Спортчиларимиз 5 та олтин, 2 та кумуш ва битта бронза медали билан тақдирландилар.

● БАСКЕТБОЛ. СССР эркаклар ва аёллар командалари бирон марта ҳам мағлубиятга учрамай, ўз группаларида пешқадамлик қилишмоқда. Аёллар командамиз Польша коллективини 81:24 ҳисобида, эркаклар командамиз эса Куба баскетболчиларини 123:90 ҳисобида енгишди.

Редактор ўринбосари Р. УМАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚАТ: МАГИСТРАЛ ГАЗ ҚУВУРЛАРИ!

РЕСПУБЛИКАМИЗ ТЕРРИТОРИЯСИ БЎЙЛАБ ЮҚОРИ БОСИМЛИ МАГИСТРАЛ ГАЗ ҚУВУРЛАРИ:

Жарқоқ-Бухоро-Самарқанд-Тошкент;
Янгиер-Фарғона-Қўқон-Наманган-Андижон;
Газли-Когон-Самарқанд-Тошкент-Фрунзе-Олмаота;
Келиф-Муборак-Зирабулоқ трассалари ётқизилган.

Бундан ташқари, уларнинг тармоқлари ҳам мавжуд. Алоқа линиялари, кранлар, зулфлар, кўрсатувчи белгилар, катод станциялари ва шу кабилар билан жиҳозланган магистрал газ қувурлари—умумдавлат аҳамиятидаги қимматбаҳо иншоотдир! Унга нисбатан эҳтиёткор муносабатда бўлиш — ҳар бир кишининг бурчидир!

Газ қувурлари ёнғин ва портлаш вужудга келишининг юксак хавфли манбаи ҳисобланади. Шунинг учун газ қувурларининг ҳар икки томонига қараб 250 метрдан махсус муҳофаза зонаси белгиланган.

Ушбу зонада кишиларнинг қурбон бўлиши ва моддий зарар етказишлигига йўл қўймаслик мақсадида қуйидагилар қатъиян ман этилади:

у ёки бу қурилишдаги биноларни қуриш;

дала шийпонлари, хирмонлар, заправка пунктларини жойлаштириш;

моллар учун суғориш манбалари ва қўраларни жойлаштириш, пахтани қуритиш ва сақлаш майдони сифатида фойдаланиш;

силос сақлаш чуқурларини кавлаш;

пичан бостириш;

ахлат ташлаш жойларини вужудга келтириш;

ўт-ўлан ва қишлоқ хўжалик чиқиндиларини ёқиш.

Муҳофаза зонасида кишиларнинг шунингдек, техника ва молларнинг тўпланишига йўл қўйилмайди.

Газ қувурларининг муҳофаза зонасида жойлашган биноларга ва иншоотлар бузиб ташланади.

АҲОЛИ, КОРХОНА, ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ, КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ, ПРОРАБЛАР ВА МЕХАНИЗАТОРЛАР

ДИҚҚАТИГА!

Газ қувури ўтказилган ва унинг ёнидаги электр узатиш линияси районида йўллар қуриш, ер ости, ер устида ва ҳаводан коммуникациялар ўтказиш (кабеллар, водопроводлар ва шу кабилар), янги ерларни планлаштириш ва ўзлаштириш «Узбектрансгаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси билан олдиндан келишилган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Ўзбошимчалик билан ўтказилган қурилиш-монтаж ва қишлоқ хўжалик ишлари бахтсиз ҳодисаларга ва авариялларга олиб келиши мумкин.

Магистрал газ қувурлари ўтган жойдаги ерлардан фойдаланиш уларнинг сақланишини таъминловчи қоидаларга риоя қилган ҳолда — СН-452-73 магистрал трубопроводлари учун ерлар ажратиш нормаларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

«Узбектрансгаз» ишлаб чиқариш бирлашмасининг адреси: Тошкент шаҳри, ГСП, Педагогическая кўчаси, 31 — «а» уй.

Олдиндан рухсат олиш учун Когон, Ғаллаорол, Фарғона, Оқтош, Самарқанд, шунингдек Тошкент шаҳарларидаги магистрал газ қувурлари линия—ишлаб чиқариш бошқармаларига ҳам мурожаат қилиш мумкин.

«УЗБЕКТРАНСГАЗ»

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (ТЕЛЕФОН 45-37-24).

Трансагентлик— қишлоқ меҳнаткашларига

Тошкент шаҳридаги колхоз бозорларига томорқаларда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказишда қулайлик яратиш мақсадда КОЛХОЗЛАР БОШҚАРМАСИ ВА «ТАШОБЛТРАНСЭКСПЕДИЦИЯ-АГЕНТЛИК»ЛАРИ БИРЛАШМАСИ

ҚУЙИДАГИ МАРШРУТЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛДИ.

Бекобод-Бўка-Пискент-Тошкент (Қўйлиқ ва Олой бозорларига).

Автобус бозорга соат 8.45 дан 11.00 гача ва соат 23.45 дан 02.00 гача келади. Бозордан эса 7.00 дан 20.00 гача жўнайди.

Чиноз-Пахта-Янгийўл-Тошкент (Фарҳод ва Олой бозорларига). Автобус бозорга соат 7.30 дан 9.30 гача келади. Бозордан эса 17.00 дан 20.00 гача жўнайди.

Минводи-Келес-Тошкент (Октябрь бозорига). **Автобус бозорга соат 7.30 дан 11.00 гача келади. Бозордан эса соат 17.00 дан 20.00 гача жўнайди.**

Паркент-Тошкент (Госпиталь бозорига).

Автобус бозорга соат 7.00 дан 10.00 гача келади. Бозордан эса 17.00 дан 20.00 гача жўнайди.

Черняевка-Юнусобод (Олой бозорига).

Автобус бозорга соат 7.00 дан 10.00 гача келади. Бозордан эса соат 17.00 дан 20.00 гача жўнайди.

Тўйтепа-Қўйлиқ (Олой бозорига).

Автобус бозорга соат 7.00 дан 10.00 гача келади. Бозордан эса 17.00 дан 20.00 гача жўнайди.

Қибрай-Луначарское шоссеси (Олой бозорига).

Автобус бозорга соат 7.00 дан 10.00 гача келади. Бозордан эса соат 17.00 дан 20.00 гача жўнайди.

Калинин район маркази—Фарҳод бозори.

Автобус бозорга соат 7.00 дан 10.00 гача келади. Бозордан эса 17.00 дан 20.00 гача жўнайди.

Автобусларнинг бозорга келиши ва жўнаши ҳар 30 минутда амалга оширилади.

Маршрутларда махсус жиҳозланган юк ташиш пассажир автомобиллари қатнайди.

Трансагентлик ходимлари юк ортиш-тушириш ишларини ҳам бажарадилар.

Маршрутларда қатнайдиган юк ташиш пассажир автомобилларида битта пассажирдан 13-02-04 прейскуранти бўйича ҳар бир километр учун 2 тийиндан ҳақ олинади.

50 километр масофагача бўлган манзилга ҳар бир багаж учун 30 тийиндан,

50 километрдан ортиқ бўлган манзилга эса 50 тийиндан ҳақ олинади.

ҲУРМАТЛИ ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИ!

Сизни янги юк ташиш пассажир маршрутларидан фойдаланишга таклиф қиламиз!

46-78-07 телефони бўйича справкалар олиш мумкин.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси базасидаги

214-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

токарь-универсаль (токарь-каруселчи, программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори), **саноат ускуналари бўйича слесарь-ремонтчи, электр пайвандчи, слесарь, механик, йиғувчи, фрезерчи, электромонтажчи, машинада қолипловчи, слесарь-асбобсоз, штамповкачи.**

Ҳамма ихтисослар бўйича ўқиш муддати 6 ой.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртини битириб олган аттестатдаги баҳоларининг ўртача балли 4,5 бўлганларга олий ўқув юртларига киришда имтиёзлар берилади.

Билим юртини битирган ўрта маълумотлиларга ҳам билим юртини тугатганлик тўғрисида аттестат берилади.

Ўқувчиларга ҳар ойда 76 сўмдан стипендия, ишлаб чиқариш практикаси давридаги меҳнат ҳақининг 33 процента берилади. Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртида спорт секциялари, вокал чолғу ансамбли ва миллий чолғу асбоблари ансамбли тўгаракларидо донмо ишлайди.

Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Ўқишга 8—10 синф ҳажмида маълумотли, 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган йигит — қизлар қабул қилинади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, турар-жойидан справка, соғлиғи тўғрисида справка, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), 3х4 см. ҳажмда 6 дона фотосурат, таржимаи ҳоли.

Бошқа шаҳардан келган ўқувчилар турар-жойларидан прописка дан ўчишлари ва билим юрти ётоқхонасига прописка дан ўтишлари ҳамда ўзлари билан шахсий учёт карточкаси, ВЛКСМ аъзолиги учёт карточкаси ва комсомол билетини олиб келишлари зарур.

Ҳужжатлар ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ж. Обидова кўчаси, 70-уй (2, 16, 25, 29-трамвайлар, 8, 9, 115, 112, 60, 24, 44-автобусларнинг «Ғалаба боғи» бекати). Телефон 35-08-02.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги базасидаги

247-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича юқори малакали ишчилар тайёрлайди: кондитер, нонвой-тандир нони ва булочка пиширувчи, лаборант-химик, автоматика ва контроль-ўлчов асбоблари ремонти бўйича слесарь, саноат ускуналарини созловчи механик, қурилиш бўёқчиси, автослесарь.

Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинадилар.

8 синф ҳажмида маълумот билан ўқишга қабул қилинганлар 3 йил ўқийдилар ва тўлиқ ўрта маълумот ҳамда касб тўғрисида диплом оладилар.

Ўқувчилар 3 маҳал овқат ва кийим бош билан таъминланадилар.

10 синф ҳажмида маълумотлилар 1 йил ўқийдилар ва ойига 30 сўм стипендия оладилар. Ишлаб чиқариш практикасини ўтиш даврида ишланган иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар ўрта ва олий ўқув юртларига ўқишга юборилади лар. Билим юртини битирганлар таклаги мутахассисликлари бўйича Тошкент нон корхоналарида, кондитер-булочка комбинатида, «Ўрток» кондитерлик фабрикасида ва Тошкент пиво корхоналарида ишлайдилар.

Билим юрти қошида бадиий ҳаваскорлик тўгаракларидаги, «Такт» ансамбли ишлайди ва ҳар хил спорт тўгаракларидаги мавжуд.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: директор номига ариза, характеристика, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, медицина ва турар жойидан справкалар, 6 дона фотосурат (3х4 см.), туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Ленин район, Истиқбол кўчаси, 3-уй, (68, 133, 121, 127, 81, 15, 45, 23-автобуслар; 5-трамвайнинг «Қўйлиқ» бекати). Телефон: 90-36-69.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40— Телефильм. 10.10 — Халқаро конкурслар лауреати Т. Федькина чалади. 10.35 — «Саёҳатчилар клуби». 11.35 — «Водий». Бадиий фильм. 12.35 — Концерт. 13.00 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — «Қишлоқ уфқлари». Телефильмлар. 16.05 — «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар». 16.40 — «Барабанчининг тақдири». Бадиий фильм. 1-серия. 17.45 — «Бугун БАМда». 18.15 — Словакияда миллий антифашист қўзғолони бошланганлигининг 40 йиллигига. Киночерк. 18.45 — «Янги ўқув йилининг бошланишига». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — «Дунё ва ёшлар». 20.05 — «Тарханлар». Ҳужжатли фильм. 20.15 — «Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — «Время». 22.00 — «Мангу даъват». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 23.10 — «Дунё воқеалари».

МТ-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.20 — Мультфильм. 9.40 — «Буратино кўргазмаси». 10.10 — «Сибирь ҳақида ҳикоялар». Ҳужжатли фильм. 10.40 — «Салют, пионерия!». 11.40 — «...16 ёшгача ва ундан катталар». 12.25 — «Оила ва мактаб». 12.55 — Немис тили. 2-йил. 13.25 — «Сиз яратган боғ». 13.55 — «Бўрилар орасида ёлғиз». Телевизион бадиий фильм. 3-серия. 15.05 — Я. Сибелиус. Ре минор квартети. 15.35 ва 18.30— Янгиликлар. 18.45 — «Ҳамдўстлик». 19.20 — М. Горький. «Италия ҳақида эртаклар». 20.10 — «Кострома бўйлаб саёҳат». Телефильм. 20.30 — «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — «Сиз бунга қодирсиз». 21.30 — «Время». 22.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати.

ЎзТВ-I. 10.00 — «Ахборот». 10.20 — «Ника». Ҳужжатли фильм. 10.40 — Телефильм. 11.05 — «Диққат, тошбақа». Бадиий фильм. 12.25 — «Светофор». 13.05 ва 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — «Инсон болаликдан бошланади». 18.45 — СССР ва УзССР ёзувчилар Союзининг 50 йиллигига. «Ёзувчи халқ хизматида». 19.20 —«Янги ўқув йилингиз билан». 19.30—«Ахборот». 19.45—«Инсон ва қонун». 20.30 — «Ахборот». 20.50—Концерт. 21.30 — «Время». 22.00 — «Ақл-идрок хурофотга қарши». Видеофильм. 22.45 — «Ҳам илҳом, ҳам ижод». 23.50 —Янгиликлар.

ЎзТВ-II. 9.00—15.40 — МТ-II. 18.30 — «Икки ўрток хизматда». Бадиий фильм. 20.00 — «Тошкент янгиликлари». 21.00 — ЎзССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Янги марралар сари». 21.30 — МТ-II.

ПАССАЖИРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент область пассажирлар ташиш ишлаб чиқариш автотрести

меҳнаткашларни қишлоқ хўжалик ишларига оммавий равишда олиб бориш муносабати билан

29—31 АВГУСТ КУНЛАРИ

шаҳар атрофида қатнайдиган маршрутлардаги автобуслар сони камайтирилишини БИЛДИРАДИ

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ
/ "Ташкентская правда"/
Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного совета народных депутатов

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь—334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

Р. 20052. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. В. 1771. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12